

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

15 ноябрь куни Тошкентда ўтаётган Кичик ёшдаги болаларга тарбия ва таълим бериш бўйича бутунжаҳон конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азуле билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан БМТ тизимидаги ушбу нуфузли институт ўртасидаги конструктив ва самарали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Сермаҳсул шерикликнинг бугунги даражаси мамнуният билан қайд этилди. Мамлакат дастури ва қабул қилинган "Йўл харитаси"га мувофиқ қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз илк бор Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш халқаро қўмитасининг аъзоси этиб сайланди. Бахшичилик санъати ва лазги рақси номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди.

Ўзбекистонда тарихий мерос объектларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси фаолияти ва Минтақавий гуманитар ҳамкорликка оид "Хива жараёни" йўлга қўйилди.

ЮНЕСКО, шунингдек, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида профессионал таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмак кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида қўшма тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Учрашувда Одри Азуле Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш, болаларга тарбия ва таълим бериш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолади ҳамда улар, халқаро миқёсда солиштирилганда, энг самарали бўлаётганини таъкидлади.

Бош директор мактабгача таълимни ривожлантириш масалаларига бағишланган Тошкент халқаро конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан табрикланди.

Янги Мамлакат дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини очишга, шунингдек, самарали ҳамкорлик доирасида қўшма ташаббус ва илғор лойиҳаларни илгари суриш бўйича янгиланган "Йўл харитаси"ни тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Ў.А.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ОШИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга тадбиркорлик фаолиятини соддалаштириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши. Бу борада яратилаётган шароитлар туфайли ишбилармонлар кўпайиб бормоқда. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ярмидан кўпи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Экспортда ҳам уларнинг ўрни юқори.

Бугунги кунда бизнесни тартибга солувчи 6 мингдан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ва 40 мингга техник ҳужжатлар мавжуд. Айрим эски талаблар янги маҳсулотлар, технологиялар ва хизматларни жорий этишни қийинлаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, Тараққиёт стратегиясини "Инсон кадрини улўғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорларнинг замонавий фаолият юритишига тўққонлик қилаётган талаблар қайта кўриб чиқилиб, бир қатор энгилликлар жорий қилинди.

Хусусан, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш воситалари аниқ белгиланди. Булар давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялаш ва рухсат бериш, техник тартибга солиш, тариф ва нотариф тартибга солиш, мажбурий суғурта, давлат назорати, рақобатни ҳимоя қилиш, жавобгарлик ўрнатиш кабилардир.

Таҳлиллардан келиб чиқиб, кўплаб тартиб-таомиллар ҳам қисқартирилди. Масалан, тадбиркорлик субъектининг устав фонди камайтирилаётганда кредиторларни ёзма равишда хабардор қилиш, электр энергияси ортқча истеъмол қилинганда уни узиб қўйиш, яқна тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимларни солиқ органларида алоҳида ҳисобга қўйиш каби жараёнлар кўп овозгарчиликка сабаб бўлаёпти. 2023 йил 1 январдан бундай мажбурий талаблар бекор қилинади.

Шунингдек, тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларнинг ягона реестрини жорий қилиш мўлжалланган. У икки босқичда қилиниб, 2025 йил 1 июлдан тўлиқ ишга туширилади. Бу реестрга киритилмаган талаблар бўйича тадбиркорга нисбатан жавобгарлик белгилаш тақиқланади.

Президентимиз шу йил 22 август куни бўлган тадбиркорлар билан очик мулоқотда соҳани рақамлаштириш, ҳужжатларни қоғоз шаклида сақлашни камайтириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Илгари амал қилган тартибга кўра, юридик шахснинг иш ҳақлари ва бошқа даромадлари, улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги ҳужжатлар 75 йил давомида қоғоз ҳолида сақлашни керак эди. Улар солиқ идоралари базасида борлиги учун янги фармон билан уларни қоғозда сақлаш бекор қилинди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўзларининг ички бухгалтерия бирламчи ҳужжатларини ахборот тизимлари орқали тузганда, уларни қоғоз шаклида юритишдан озод этилмоқда. Бу ўзгаришлар натижасида 587 мингга корхона қоғозбозлиқдан қутулиб, иши энгиллашади.

Шунингдек, 2023 йил 1 январдан бошлаб солиқ органлари молиявий ҳисоботларни ҳар чоракда тақдим қилиш, 9 хил статистика ҳисоботларини топшириш амалиёти бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларнинг ахборотини тинглаб, ушбу фармон ижросини самарали ташкил этиш, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритишни соддалаштириш, қулай бизнес муҳитини яратиш ишларини изчил давом эттиришга кўрсатма берди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиятларни Тошкент шаҳрида Кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим беришга бағишланган бутунжаҳон конференциясининг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман.

Халқаро анжуманда иштирок этаётган юқори мартабали меҳмонларимизга, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар вазирлари ва масъул вакилларига ўзимнинг самимий ҳурмати ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, қадрли меҳмонлар!

Ҳурматли дўстлар!

Халқаро конференциянинг очилиш маросимида ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хонимнинг шахсан иштирок этаётгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Сўнгги йилларда ЮНЕСКО билан таълим, фан, маданий мерос, ахборот ва коммуникация соҳаларида ҳамкорлигимиз жадал ривожланиб бормоқда. Жумладан, мазкур ташкилот кўмагида юртимиздаги бутунжаҳон маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, қадимий Буюк ипак йўлида мавжуд бўлган маданий алоқаларни қайта тиклаш, таълим тизими сифатини ошириш ва баркамол авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонда ёшларнинг меҳнат кўникмаларини ривожлантириш бўйича қатор муҳим дастур ва лойиҳалар самарали амалга ошириб келинмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Азуле хонимга ва барча чет эллик ҳамкорларимизга бу муҳим ва шарафли ишга қўшаётган ҳиссалари учун ташаккур изҳор этаман.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида кичик ёшдаги болаларни сифатли мактабга-

ча таълим билан таъминлаш борасида қатор муаммолар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Қўплаб мамлакатларда қарийб 200 миллион бола мактабгача таълим билан қамраб олинмагани натижасида уларнинг бошланғич билим олиш имкониятлари чекланмоқда.

Ўз навбатида, кейинги бир неча йил давомида коронавирус пандемияси таълим соҳасига ҳам катта салбий таъсир кўрсатгани сир эмас. Мана шундай синовлар даврида барча давлатларнинг яқин ҳамкорликни янада чуқурлаштириши, халқларимиз ўзаро бирлашиб, муаммоларни биргаликда ҳал этиши нақадар муҳимлигини яққол кўрсатмоқда.

Шу маънода, бугунги анжуманимиз ҳам Барқарор ривожланиш мақсадларининг муҳим йўналиши ҳисобланган болалар таълими масаласида барчамиз бир бўлиб, янги ёндашувлар ва ечимлар ишлаб чиқишимизга хизмат қилади, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Биз "инсон кадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари – олий қадрият", деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб турмуш шароитини яратишни Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Бу борада, авваламбор, ёшлар ва болаларга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш, уларнинг ўқиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш орқали келажақда ёшларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустақкам замин яратаямиз. Зеро, бу каби эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага бир неча баробар ортиғи билан қайтишига шубҳа йўқ.

Шу билан бирга, бола шахсиятининг

асоси айнан мактабгача таълим ёшида шаклланиши, бу даврда унинг интеллектуал ва жисмоний камолоти учун пойдевор яратилиши ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳозирги пайтда юртимизда 3 миллионга яқин мактабгача ёшдаги болалар бор. Ҳеч шубҳасиз, улар бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ёруғ келажагимиз бунёдкорларидир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, юртимизда яқин ўтмишда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 27 фоизга тушиб қолган эди. Деярли барча мактабгача таълим ташкилотларида замонавий технологиялар ва қўлланмалар йўқ, бинолари таъмирталаб эди. Бу эса болаларимизни тўлақонли сифатли таълим ва тарбия олишини чеклаган.

Ҳолбуки, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Биз ислохотларнинг биринчи кунлариданоқ мавжуд таълим соҳасини, хусусан, мактабгача таълимни тубдан модернизация қилишга қарор қилдик.

Шу мақсадда юртимиз тарихида илк бор алоҳида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик.

Богчаларни замон талабларига мос равишда янги босқичга кўтариш, илғор тарбия услублари ва методикаларини кенг қўллаш, моддий-ўқув базасини кучайтиришга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Соҳани кенг ривожлантириш учун хусусий сектор кириб келишига ҳам қулай шарт-шароитлар яратиб бердик. Богчаларда ҳар бир тарбияланувчи бола учун Давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар берилди бошланди.

Давоми 2-бетда. ▶



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Тошкент шаҳрида Кичик ёшдаги болаларга тарбия ва таълим бериш бўйича бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтмоқда.

15 ноябрь куни бу анжуманга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюрди.

Конференция дунёда 2030 йилга қадар мактабгача таълим соҳасига оид сиёсатни белгилаб олиш ва бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган. Унда ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле, 150 га яқин мамлакатдан вазирлар ва вакиллар, халқаро ташкилотлар мутасаддилари қатнашмоқда.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида соҳа бўйича дунёдаги вазиятга ўхталиб, миллионлаб болаларнинг бошланғич билим олиш имконияти чеклангани, мутахассислар биргаликда, мактабгача таълим қамровини ошириши муҳимлигини айтди. Ўзбекистонда "инсон кадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари – олий қадрият" деган тамойил асосида аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратилаётгани таъкидланди.

– Бу борада, авваламбор, ёшлар ва болаларга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш орқали келажақда уларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустақкам замин яратаямиз. Зеро, бу эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага бир неча баробар ортиғи билан қайтишига шубҳа йўқ, – деди Шавкат Мирзиёев.

2024 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказиладиган келажақ саммитининг асосий мавзуларидан бири сифатида кичик ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш масаласини киритиш муҳимлиги таъкидланди.

Конференция турли мавзулардаги шўба йиғилишлари билан давом этди. Анжуман яқунлари бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинади.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ НУТҚИ

Сўнги йилларда мамлакатимизда боғчалар сони 6 баробар кўпайди. Олис ва чекка ҳудудларда минглаб оилавий боғчалар ташкил этилди. Тарбиячи ва педагоглар сони ҳам 3 баробар ўсиб, 160 мингга етди. Шунингдек, педагог кадрларнинг малакасини тизимли ошириб бориш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

Ушбу чоралар натижасида боғчаларда таълим ва тарбия оладиган болалар сони 600 мингдан 2 миллионга етказилди, қамров кўлами 70 фоизга қикди.

Хурматли анжуман қатнашчилари! **"Таълим ва тарбияда танаффус бўлмайдми"**, деган ҳикматли ибора сизларга яхши таниш.

Шу сабабли биз Ўзбекистонда олиб бораётган демократик ислохотларимиз жараёнида таълим тизимини замонавий талаблар даражасига кўтаришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Жумладан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда 10 мингдан ортиқ ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда олий ўқув муассасалари сони қарийб 2,5 баробар кўпайиб, 186 тага етди. Уларнинг 31 таси дунёдаги етакчи университет ва институтларнинг филиалларидир. Олийгоҳларга қабул квотаси 3,5 баробар ортиганини, олий таълим қамрови эса 9 фоиздан 38 фоизга ошганини қайд этиш лозим.

Сизларга яхши маълумки, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган мамлакатимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келади.

Диёримиздан етишиб чиққан атоқли алломалар, алгебра фани ва алгоритм тушунчасига асос солган Ал-Хоразмий, минералогия фанининг тамал тошини қўйган Ал-Беруний, дунёда Авиценна номи билан танилган машҳур тиббиёт олими Ибн Сино, 1018 та юлдузнинг координатларини ва ҳаракатини аниқ белгилаб берган буюк астроном Мирзо Улугбек, Нил дарёсининг сатҳини ўлчовчи ноёб ускуна яратган аллома Аҳмад Фарғоний каби улуғ аждодларимиз ўзларининг бебаҳо асарлари, илмий ва ижодий кашфиётлари билан ўрта асрлардаги Биричи ва Иккинчи Шарқ Ренессанси ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Бу ҳақда сўз борар экан, ўтмишда Бухорода 300 дан ортиқ, Самарқандда эса 120 га яқин ўз даврининг университетлари бўлган мадрасалар фаолият кўрсатганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азал-азалдан бизнинг юртимизда таълим билан бирга тарбия масаласига беқиёс аҳамият бериб келинади. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳар томонлама уйғун ривожланган, юксак билим ва маънавият соҳиби бўлган комил инсон ғоясини илгари сургани сизларга яхши маълум.

XX аср бошида фаолият кўрсатган улуғ маърифатпарвар, атоқли адиб ва педагог Абдулла Авлонийнинг **"Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир"**, деган сўзлари биз учун бугунги кунда ҳам муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вази фақат олдимишга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониб даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада биз ўзимизнинг миллий тажрибамиз ва жаҳондаги илғор ютуқларни уйғунлаштирган ҳолда фаолият олиб борамиз.

Барчамизга аёнки, таълим ва тарбия бор жойда албатта илм, албатта маданият ва тараққиёт бўлади. Таълим ва тарбия ривожланган жамиятда радикализм ва экстремизм кайфиятлари ҳеч қачон илдиз отолмайди.

Биз келгусида ҳам бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, 2025 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси-

ни 80 фоизга етказиш учун барча зарур чораларни амалга оширамиз.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган кўрсаткичларга эришиш доирасида 2025 йилга қадар 6 ёшли болаларнинг 100 фоизини мактабга тайёргарлик дастури билан қамраб олишни мақсад қилиб олганмиз.

Хурматли тadbир иштирокчилари! Анжуманимизда жаҳоннинг 150 га яқин мамлакатидан вакиллар ташриф буюргани бугунги кунда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш глобал даражада долзарб аҳамиятга эга эканидан яққол далолат беради.

Ишончим комил, мазкур конференция бутун дунёда 2030 йилга қадар мактабгача таълим соҳасига оид сиёсатни белгилаб олиш ва шу орқали ёш болаларга сифатли таълим бериш йўлида халқаро ҳамкорлики янада кенгайтиришда янги имкониятлар яратяди. Шулардан келиб чиқиб, биз қуйидаги муҳим тақдирларни илгари суришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, шиддатли дунёда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган давримизда энг заиф қатлам бўлган мактабгача ёшдаги болалар ҳам жиддий азият чекмоқда.

Шу сабабли кичик ёшдаги болалар учун сифатли таълим бериш муаммоларини глобал даражада самарали ҳал этиш, бу масалаларга биргаликда тезкор ечимлар ва тизимли ёндашувларни ишлаб чиқиш жуда долзарбдир. Буни инобатга олиб, мазкур халқаро конференцияни мунтазам равишда ўтказиб боришни тақдир этишимиз.

Иккинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун бўлган таълим бўйича барча саъй-ҳаракатларимизни тизимли мувофиқлаштириш мақсадида Тошкентда ЮНЕСКОнинг минтақавий марказини ташкил этиш ташаббусимизни маъқуллаш сизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, Кичик ёшдаги болалар таълими бўйича жаҳон ташкилоти билан қўшма лойиҳа ва тадқиқотларни олиб бориш, тарбиянинг янги ҳақиқатларини ва методик қўлланмаларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастурни ишлаб чиқишни тақдир этишимиз.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда жаҳонда тўпланган илғор тажрибалар, замонавий интерактив ўқитиш услублари, амалий билим ва кўникмалар билан ўзаро алмашиш мақсадида Тарбиячилар халқаро ҳамжамиятини ташкил этиш ташаббусини илгари суримиз.

Учинчидан, 2024 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказиладиган Келажак саммитининг умумий кун тартибидаги асосий мавзулардан бири сифатида кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва таълим бериш масаласини кiritиш ҳамда унга алоҳида сессияни бағишлаш муҳимдир.

Бугунги конференция якунлари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг болалар тарбияси масаласини умумбашарий тараққиётга эриштиришнинг омили экани тўғрисида махсус резолюциясини қабул қилишни тақдир этиш аниқ муддао бўлар эди. Ушбу ҳужжатда ота-оналарни болаларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, маънавий ва жисмоний баркамоллигини таъминлашдаги ролини, уларнинг қобилият ва салоҳиятларини тўлиқ намоён этиш борасидаги масъулиятини янада ошириш каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар! Бугунги конференция қизгин мунозара ва ўзаро фикр алмашувлар руҳида ўтишига, унда янги ғоя ва ташаббуслар, аниқ тақдир ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишига ишонаман.

Анжуман якунлари бўйича қабул қилинадиган Тошкент декларацияси келгусида ушбу йўналишда биз биргаликда амалга оширадиган саъй-ҳаракатларимиз учун асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга мустақкам саломатлик ва омадлар, анжуман ишига эса улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Этиборингиз учун раҳмат.



МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЯНГИ КҮН ТАРТИБИ

Марказий Осиё мамлакатларининг фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва халқаро экспертлар мулоқот майдонини яратиш масаласи Тошкентда ўтказилган форумда муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевга кўра, Марказий Осиё давлатлари ўртасида икки томонлама муносабатлар йўлга қўйилган эди. Аммо, тан олиб айтиш керакки, кўптароғли ҳамкорлик деярли йўқ эди. Марказий Осиёда муҳим қадамлар қўйилди. Хусусан, юқори даражадаги ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Авваллари давлат раҳбарлари томонидан эришилган келишувлар, ўтказилган мулоқотлар ҳақида ҳисоботлар берилар эди. Эндилликда уларни санаб адоғига етиб бўлмапти. Сабаби, улар тизимли характер касб этди.

Дастлабки босқичда кичикроқ муаммолар ҳал этилишига эришилган бўлса, энди бизни янада жиддий масалалар кутмоқда. Яратилаётган альянс орқали биздан халқларимиз, давлатимиз нима кутаётганини белгилаб, ана шу асосда чоратadbирларни йўлга қўйиш лозим. Мазкур альянс доирасида келгусида Марказий Осиё давлатлари экспертларининг бирлашиши ҳамда минтақанинг ягона тақдир эканини англаши, буни жамиятга тушуنтура олиши каби фаолликлар юзага чиқади. Чунки экспертлар жамияти ҳар қандай жамиятдан бироз устунроқ ҳисобланади.

Интеграция ва яқинлашув жараёни янги кун тартибни шакллантиради, янги масалаларни ўртага ташлайди. Ҳукуматлар, парламентлар ва бошқа тузилмалар томонидан муайян тармоқни, минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ва концепцияларни ишлаб чиқишда мутахассислар кўмаги талаб этилади. Бунда Марказий Осиёда фаолият юритаётган "ақл марказлари" салоҳиятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Форумда миллий ва хорижий экспертлар Марказий Осиё мамлакатларида барқарор ривожланишни таъминлаш, ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини белгилаш, амалий тақдир ва тавсиялар ишлаб чиқишда таҳлилий-тадқиқот марказларининг иштирокини кўриб чиқди. Уларнинг фикрича, минтақада ўзаро ишончни мустаҳ-

камлаш, замон қақириқларига умумий ёндашуви ишлаб чиқишда "ақл марказлари" (think tanks) муҳим ўрин тутяди. Марказий Осиёдаги вазиятни таҳлил қилишда минтақавий мустақил экспертлар вазирлик ва идоралар, давлат "ақл марказлари" томонидан илгари суриладиган "биринчи фикр (ёки қараш)"га "муқобил фикр (ёки қараш)"ни ҳам бериши мумкин.

Минтақадаги нодавлат экспертлар баҳосига ортиб бораётган эҳтиёжни қондириш мақсадида Форум иштирокчилари "Марказий Осиё мустақил экспертлар альянси" платформасида экспертлар тармоғини яратиш ташаббуси билан чиқди. Тармоқнинг ўзига хослиги Марказий Осиёдаги асосий жараёнларни умумминтақавий даражада ўрганиш бўлади.

Тadbир якунида минтақавий ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш ғояларини илгари сурувчи Марказий Осиё эксперт-таҳлилчилари тармоғини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мутахассислар, шунингдек, 20-30 йилга мўлжалланган режаларни тузиш кераклигини таъкидлади. Минтақа тақдирини белгилловчи муҳим қарорларни қабул қилиш, Марказий Осиё ўз стратегиясини ўзи яратиши зарур, деган тўхтама қелинди.

Ўзбекистонлик эксперт Камолиддин Раббимов дунёдаги сиёсий жараёнлар ва уларнинг минтақага таъсири, Марказий Осиёнинг интеграциялашуви, ривожланиши ҳақида гапирар экан, жумладан, минтақа давлатлари сиёсий бошқарувда неопотизмдан воз кечиши кераклигига урғу берди. Бу давлатлар ривожланиши истар экан, республикачилик тизимини ривожлантириши лозим.

Раббимов, шунингдек, ҳар томондан ўраб олинган минтақада жойлашган мамлакатларнинг умумий тақдирга даҳл қилувчи муҳим қарорларни модуллаштириш тақдирини илгари сурди.

Форумда минтақа мамлакатларидан 100 дан ортиқ жамоат ва сиёсий арбоблар, экспертлар ҳамжамияти, оммавий ахборот воситалари вакиллари конструктив мулоқот форматда минтақавий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари ва вазифаларини муҳокама қилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон ovozi" муҳбири.

МУНОСАБАТ

ТДТ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЎЗБЕКИСТОННИ КАТТА ИМКОНИЯТЛАР САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Дунёда глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви, халқаро геосиёсий вазиятнинг таранглашуви, пандемия оқибатларининг ҳамон сақланиб қолаётгани, глобал климат ўзгаришларининг салбий натижалари, озиқ-овқат соҳасидаги муаммоларнинг ортиб бориши ҳамда транспорт-логистика тизимидаги узиллишлар манфаатдор давлатларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, қўшни мамлакатларнинг бир-бирига бўлган дўстона ришталарини янада мустаҳкамлаш ҳамда турли манфаатларини умумий мақсадларда бирлаштиришни долзарб масалага айлантирмоқда.

Албатта, бундай вазиятда турли ташкилотлар ва тузилмаларнинг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо бўлган давлатлар ўртасида ўзаро ишончининг ортиб бораётгани, турли соҳадаги муаммоларнинг ҳамкорликда ҳал этилаётгани, иқтисодий лойиҳаларнинг мулоқот асосида амалиётга жорий этилаётгани ҳамда зиддиятчи ҳолатларнинг ўзаро келишув асосида ҳал этилаётгани ижобий ҳол.

Шу боис Самарқандда бўлиб ўтган ТДТнинг биринчи саммитидан нафақат ташкилотга аъзо мамлакатлар, балки бошқа давлатлар ҳам катта натижаларни кутиб қолишмоқда. Энг аввало, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида энг муҳим йўналишлардан бири бўлган ўзаро транспорт соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, транспорт қаридорларини ишга тушириш ҳамда логистика тизимини мустаҳкамлаш шулар жумласидан. Бунинг натижасида Ўзбекистон ва ташкилотга аъзо давлатларнинг транзит салоҳияти янада

ортади, ўзаро савдо алоқалари ривожланади. Маълумотларга кўра, 2021 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг ТДТ билан жами товар айланмаси 9,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, экспорт 3,9 ҳамда импорт эса 5,5 млрд. АҚШ долларига етган. Рақамлардан кўриниб турибдики, экспортга нисбатан импортнинг улуши 1,6 млрд. АҚШ долларига кўпроқ. Келажакда албатта, экспорт ҳажмини импортга нисбатан кўпайтириш стратегик мақсадлардан бири ҳисобланади.

Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида божхона тизимини соддалаштириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш орқали юк ташувлар ҳажмини ошириш саналади. Шу билан бирга фуқаролар ҳаракатини янада эркинлаштириш, хизматлар ҳамда технологиялар ҳаракатини рағбатлантириш ҳисобланади. Бу ҳаракатлар бевосита туризм имкониятларидан янада фойдаланишга ҳамда халқаро юк ташувларнинг кўпайишига туртки бўлади.

Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва молиявий имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун инвестицион лойиҳаларни ишга тушириш, саноат кооперациясини ривожлантириш орқали саноатнинг устувор соҳаларининг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун ташкилот доирасида Инвестицион жамғармани ташкил этишга келишилди. Таҳлилларга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига ТДТга аъзо мамлакатлар томонидан жами 2,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган. Мазкур инвестицияларнинг 1,2 млрд.

АҚШ доллардан ортиғи ёки 41%и 2021 йилда жалб этилган. Албатта, бу кўрсаткичларни келажакда янада кўпайтириш, ташкилотга аъзо давлатлар иштирокида эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан. Чунки, Ўзбекистоннинг қўлай климат шароити, табияти ёрдамида қуёш, шамол ва сув каби қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш бўйича катта салоҳиятга эга. Бу борада Венгрия ва Туркия етарли амалий тажрибага эга ҳисобланади. Ўзбекистон 2026 йилгача муқобил энергия манбалари улушини 25 фоизга ортиб чиқишни режалаштирган. Бундай мақсадларни амалга оширишда албатта, ТДТ аъзо давлатлар билан ҳамкорлиқни амалга ошириш яхши самара беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ТДТга аъзо давлатлар билан ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ҳисобига мамлакатимизнинг транзит салоҳияти янада ортади, янги транспорт йўлақлари ишга тушади, туризм имкониятлари пайдо бўлади, умумий савдо ҳажми улушида экспорт кўрсаткичлари кўпаяди, хом ашё маҳсулотларини сотишга нисбатан тайёр маҳсулотлар улуши ортади ҳамда қишлоқ хўжалигига инновацион ишланмалар татбиқ этилади. Мазкур ташаббуслар мамлакатимизни катта имкониятлар сари етаклайди.

Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ЙИГИЛИШЛАРИНИ СЕШАНБА КУНИ КУЗАТИШГА ОДАТЛАНГАНМИЗ. БУ САФАРГИ МАЖЛИС ДУШАНБА КУНИ БЎЛИБ ЎТДИ. ҲАР ДОИМ ҲАМ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕЧ СОАТ 17.00 ДА ЙИГИЛИШ БОШЛАГАННИ КУЗАТАВЕРМАЙМИЗ. КУН ТАРТИБИДА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ЎЗБЕК-ҚИРГИЗ ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИНГ АЛОҲИДА УЧАСТКАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА"ГИ ҲАМДА "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЎРТАСИДА АНДИЖОН (КАМПИРОБОД) СУВ ОМБОРИНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БИРГАЛИКДА БОШҚАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА"ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ТУРАДИ.

Дарҳақиқат, чегара масаласи биргина ўзбек-қирғиз муаммоси эмас, балки бутун Марказий Осиёнинг оғрикли нуктаси ҳисобланади. Бунга собиқ иттифоқ давридаги миллий ҳудудий чегараланиш сабаб бўлган. "Ислохот"лардан кўзланган мақсад ҳам айнан шу бўлгани кўп таъкидланади. Ўтган йиллар давомида чегара билан боғлиқ ҳал этилмаган масалалар бир неча бор юзага чиққан.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё омили устуворлик қилаётганини бутун дунё тан олмақда. Минтақадаги давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ҳам минтақанинг сиёсий табиатига ижобий таъсир этмоқда. Кенг ҳамкорлик, яхши кўшничлик ва энг асосийси, ўзаро ишонч ортиб бормоқда. Кеча Олий Мажлис кўйи палатаси йиғилишида кўрилган масала ҳам кейинги йиллардаги мулоқотнинг самараси, ўзбек дипломатиясининг ютуғи десак, муболаға бўлмайди.

Мазкур қонун лойиҳалари дастлаб кун давомида сиёсий партияларнинг парламентдаги барча фракциялари йиғилишларида атрофлича муҳокамалардан ўтган.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигида ҳукумат аъзолари иштирок этди. Қонун лойиҳалари юзасидан Бош вазирнинг ўзи ахборот берди.

Таъкидланганидек, охириги 5 йилда Қозоғистон билан 2356 км.лик давлат чегараси демаркация қилинган, Қирғизистон билан 1170 км, Тожикистон билан 193 км.лик чегара чизиклари келишилиб, делимитация қилинган айрилди.

Маълумот учун, *икки давлат ўртасидаги чегара чизиклари қаердан ўтиши келишилиб, харитада белгиланиш жараёни делимитация, ана шу келишилган ҳудуддан чегара белгилари белгиланиши, яъни чегара симлари тортилиши демаркация* деб айтилади.

Тожикистон билан 10 та, Қирғизистон билан 3 та, Қозоғистон билан эса 2 та чегара-ўтказиш пунктлари қайта тиклангани айтиб ўтилди.

Бош вазир ўз нутқида ижтимоий тармоқларда кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлган Андижон (Кампиробод) сув омори билан боғлиқ ҳолатга ойдинлик киритди. Андижон сув омбори майдони 4957 гектар экани ва собиқ иттифоқ пайтида 4127 гектар ер майдони берилгани, ҳозир Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидан 1 минг 19 гектар ер шу фарқни ёпиш учун берилётгани, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон томонидан 200 км. дан ортиқ Кампиробод чап қирғоқ канални қуриб бериш мажбурияти олингани қайд этилди. Афсуски, айрим сабаблар билан ушбу канал қурилмасдан қолиб кетган. Айнан шу мажбурият бажарилмаганлиги сабабли Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманларидаги Ғовасой участкасидаги тоғли ҳудуддан 12 минг 700 гектар атрофида яйлов ер майдонлари компенсация тарзида берилётгани таъкидланди.

Эътиборлиси, Андижон (Кампиробод) сув омборининг сифими 1 млрд. 576 млн. кубометрни ташкил қилади. Тўпланган суви билан Ўзбекистоннинг 175 минг, Қирғизистоннинг эса бор-йўғи 25 минг гектар экин майдонлари сугорилади.

Агар "Андижон" сув омборидан Қирғизистоннинг Боткен вилоятигача ушбу канал ва кўшимча гидротехник иншоотларни қуриб

ЖОН ҚҮШНИ

муаммога эмас, ютуқлар учун кўпроқ вақт ажратамиз



Нуриддин ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери:

– Айтиш керакки, сўнгги йилларда кўп қиррали ўзбек-қирғиз муносабатлари янги даражага кўтарилди. Икки томонлама ҳамкорликнинг табиати ва мазмуни тубдан ўзгарди, ўзаро ишонч мустаҳкамланди.

Таъкидлаш жоиз, икки мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси тўғрисидаги йиллар давомида ечилмай келётган масалалар ҳал этилмоқда. Хусусан, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича бир тўхтамага келишмоқда. Бу икки давлат муносабатларидаги эришилган энг катта ютуқлардан биридир.

Қабул қилинган қонунда ўзбек-қирғиз Давлат чегарасининг келишилган 35 та участкасини ўз ичига олган умумий узунлиги 302,29 км. бўлган чегара чизигини делимитация қилиш ишларини якунига етказиш назарда тутилган.

берадиган бўлсак, республикамиз бюджетидан катта маблағ талаб этилади. Андижон ва Фарғона вилоятларидаги 20 дан ортиқ аҳоли пунктларини кўчиришга мажбур бўламиз.

Энг ачинарлиси, 2 минг гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ер майдонларини йўқотишимиз мумкин экан. Шу боис, амалдаги келишув энг мақбули, бизнингча.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси, фарғоналик депутат Дилбар Мамаджанованинг чегара масаласидаги келишувлардан кейин оилалар кўчишига тўғри келиши мумкинми, деган саволга Бош вазир аниқ жавоб берди.

Маълум қилинишича, Ўзбекистон чегара чизигида тахминан 130 атрофида хонадонни кўчиришга тўғри келади, бунинг учун 50 млрд. сўм атрофида компенсация кўзда тутилганлиги ва бу масалада ҳеч ким норози бўлмадлиги таъминланади.

Қирғизистонга тоғли ҳудуддан берилётган яйлов ери эвазига "Ғовасой" дарёсининг табиий оқимига тўқинлик қиладиган ҳеч бир гидротехник ва бошқа иншоотлар қурилмаслиги, сувнинг техник инфослашишига йўл қўймаслиги келишилгани, Сўх экскаватори қириб-чиқиш учун алоҳида коридор кўзда тутилмаётгани, балки ўзаро келишув асосида чегарадан ўтиш тартибини соддалаштириш масаласи кўрилатгани айтилди.

Маълумот учун, *англав французча сўз бўлиб, "қўлфлаб олиш", "ўраб олиш", деган маънони англатади. Яъни, бир давлат ҳудуди ёки ҳудудининг бир қисми бошқа давлат ҳудуди билан ўраб олиншига нисбатан қўлланилади. Демак, ўраб олувчи давлат учун ўраб олинган ҳудуд англав, ҳудуд тегишли давлат учун эксклав, деб юритилади. Сўх Қирғизистон учун анклав ҳисобланса, биз учун эксклав бўлади.*

Қайд этилганидек, қонун лойиҳалари билан Ўзбек-қирғиз давлат чегарасининг 35 та участкасини ўз ичига олган умумий узунлиги 302,29 километрдан иборат чегара чизигини делимитация қилиш ишларини якунига етказиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар таъкидлаганидек, ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон билан Қирғизистон давлатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини

янада ривожлантиришга, ўзбек-қирғиз давлат чегарасини белгилаш борасидаги масалалар тўлиқ ўз ечимини топишига хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатларимизнинг савдо, сарможий, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, экология, туризм, маданий-гуманитар соҳаларда улкан салоҳиятидан фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистон минтақадаги энг аҳолиси кўп мамлакат ва ўз навбатида йилдан-йилга сувга бўлган талабимиз ортиб бормоқда. Демак, биз учун сув ресурслари стратегик аҳамиятга эга. Қолаверса, муҳокамали ҳудудлар масаласида қанча тез ечим топсак, шунча яхши. Сабаби, муаммонинг камлиги бизга ютуқлар учун кўпроқ вақт ажратишимизга имкон беради.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қабул қилинди.

Улғубек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари:

– Қонун лойиҳалари Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Алоҳида таъкидландики, ўзига хос мураккаб даврда кўшни давлатлар билан томонлар учун бирдек манфаатли бўлган ечимларга келиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни ривожлантиришга, бу жараёнда миллий манфаатларимизни ҳимоялашга, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини кафолатлашга жуда чуқур эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқаро алоқаларда ишончли ҳамкорга айланди. Аввало кўшни давлатлар билан дўстона муносабатларнинг ривожланиб бораётгани аниқ натижаларга эришилишига асос бўлмоқда.

Кейинги йилларда кўшни давлатлар, хусусан, Қирғизистон билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланиб, кўп асрлик ягона тарих, ўхшаш маданият, муштарак тил орқали халқларимиз ўртасидаги биродарлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бугун кўриб чиқилаётган делимитация ва демаркация билан боғлиқ Шартнома ва Битим биринчи навбатда Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари ўртасидаги ўзаро мустаҳкам ишончга асосланган олий даражадаги музокаралар маҳсули эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу қонун лойиҳалари, биринчидан, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги делимитация ва демаркация масалаларини халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ равишда ҳал этилишига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлаб, стратегик алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Учинчидан, халқларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш кафолатларини янада кучайтиради. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг янги даври бошланишига катта туртки беради, деб ишонамиз.

Бу қонун лойиҳаларига асос бўлган Шартнома ва Битимга етиб келиш учун Ҳукумат ва мутасадди вазирлик-идоралар улкан ҳажмдаги ишни бажарганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай келишувларга эришиш осон эмас ва бир вақтнинг ўзида жуда кўплаб омиларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.

Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

– Ўзбекистон ва Қирғизистон яқин кўшни мамлакатлар сифатида, кўп йиллик ягона тарих, ўхшаш маданият, муштарак тил ва маънавий кадриятлар уйғунлиги каби алоқадор жиҳатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган.

Охириги йилларда Ўзбекистон – Қирғизистон дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Хусусан, республикамиз олийгоҳларида таҳсил олаётган қирғиз ёшлари сафи 14 баравар ошган бўлса, Қирғизистон университетларидаги ўзбек талаба ёшлари сони 7 бараварга кўпайди. Ўзбек ва қирғиз халқлари туркий халқлар ҳисобланиб, яқин кўшничлик ва дўстона муносабатда бўлишган. Бу икки халқ ўртасида келишиб бўлмайдиган масаланинг ўзи бўлмастган керак, деб ҳисоблаймиз.

Аҳмад ҚҮРБОНОВ тайёрлади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН

ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА?

2022 йил 15 ноябрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ҲАМДА МУДОФАА ВА ҲАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ ҚҲМИТАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ҚЎШМА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚҲРОЛЛИ КҲЧЛАРИ САФЛАРИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАН ФУҚАРОЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРНИ СУРҲОНДАРЁ, ФАРҒОНА ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИ МИСОЛИДА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎРГАНИШЛАР ЯКУНИ ЮЗАСИДАН БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИ Н.ХУСАНОВНИНГ АҲБОРОТИ ЭШИТИЛДИ.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида фуқаролик бурчини ўтаб қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, муддатли Ҳарбий хизмат ва сафарбарлик қақирув резервида хизмат ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича Республика комиссияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри,

туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тегишли комиссиялар ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда 2020–2021 йиллар мобайнида Қуролли Кучлар сафларида муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 1 минг олти юздан ортиқ фуқаро шартнома асосида Ҳарбий хизматни давом эттирмоқда, 8 мингдан ортиқ фуқаро олий таълим муассасалари ҳамда Ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Салкам 22 минг фуқаронинг иш билан бандлиги таъминланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш мақсадида 2021 йилда республика бўйича 2 358 та бўш иш ўринлари ямаркалари ўтказилган. Уларда 73 146 та корхона ва ташкилот 567,2 минг та бўш (вакант) иш ўринлари билан қатнашган. Уларда 2 минг нафарга яқин муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган шахслар иштирок этиб, уларнинг 212 нафари ишга жойлаштирилган.

Шунингдек, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, 2020–2021 йилларда туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарорларига асосан 16 000 та захираланган иш ўринларига 442 нафар муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқаролар ишга жойлаштирилган.

Бундан ташқари, муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши ва деҳқон хўжаликларидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта

ишлаш, қадоқлаш мақсадида мини-ускуна ва хом ашёлар харид қилиш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида жамғармалар томонидан субсидия маблағлари ажратиб келинмоқда.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларида муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларга Ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун 2020–2021 йилларда 9 852 та тавсиянома берилган. Ушбу тавсияномалар асосида 2 129 нафар фуқаро олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган.

Эшитувда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларнинг иш билан таъминланиши борасида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда тизимли муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлиги депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, муддатли Ҳарбий хизматдан қайтган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсади-

да ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган ҳудудий комиссиялар фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Шунингдек, муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш мақсадида ускуналар олиш ва уларни давлат рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар учун жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўлиқ ўз вақтида ажратилмаган. Натижада бир қанча Ҳарбий хизматдан қайтган фуқаролар иш билан таъминланмаган.

Эшитувда муддатли Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни иш билан таъминлашда олиб борилаётган ишлар кўламинини янада кучайтириш, соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, бу борада таъсирчан парламент назоратини олиб бориш вазифалари акс этган қўшма қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

FAOLIYAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҚАНДАЙ НАФАС ОЛАЯПТИ?

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР УЙҒОҚ ЭКАН, ХУДУДЛАР РИВОЖЛАНАДИ, ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛ ЭКАН, ТУМАН-ШАҲАРЛАРДА АҲОЛИНИ ҲАМРАЎ ҚИЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИ, ЖОЙЛАРДА ҲАЁТ ҚАЙНАГАН. ДЕПУТАТЛАР НИМАЛАР БИЛАН МАШҒУЛ, УЛАРНИ ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ТАШВИШЛАНТИРАПТИ? ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФИКРЛАРИГА ҚУЛОҚ ТУТДИК.



Турсунқул ТАНГИРОВ, халқ депутатлари Мўзработ туман Кенгашидаги ҲХДП гуруҳи раҳбари:

– Маҳаллий Кенгашлар мамлакатимизда бўлаётган жараёнларга, олиб борилаётган ислохотларга бефарқ бўлмасдан, ишончга эътиборли ҳолда фаолият юритяпмиз. Президентимизнинг қарор ва фармонлари асосида режа ва дастурлар белгилаб олганмиз.

Яқинда Конституциямизга ўзгартириш киритиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларида, янги Меҳнат кодексининг қабул қилиниши, бу масалаларда аҳолининг фикр ва таклифларини ўрганиш жараёнларида партиямиздан сайланган 10 нафар депутатнинг ҳаммаси фаол иштирок этди. Ва, албатта, туманимиздаги ўзгаришлар, янгиликлар, ҳудудни ривожлантириш борасидаги амалий ишлар, бюджет маблағларининг тўғри сарфланиши, "Саховат" фонди кўмак маблағларининг мақсадли ишлатилаётгани каби масалалар ҳам доимий эътиборимизда.

Туманимизда 37 та маҳалла бор. Суд-ҳуқуқ масалалари бўйича жиноятчиликнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш доимий комиссияси раиси сифатида биринчи чорак, ярим йилликда қайси соҳаларда жиноятчилик ўсган, унинг сабабларини ўрганиб борамиз.

Партиямиз гуруҳи ташаббуси билан туман Кенгаши сессиясига "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилганларга ажратилган ерлардан фойдаланиш имконияти, муҳофазатлари кўриб чиқилди. Ёшлар ишлари агентлигининг ёшларни иш билан таъминлаш бўйича ҳисоботи эшитилди.

Шунингдек, яқинда 3-сектор раҳбари билан "Янгиер" маҳалласида халқ қабулини ўтказдик. Муҳофазатлар асосан электр энергияси, йўл, кўприклар масаласида бўлди. Уларни 2023 йил давлат дастурига киритиш бўйича режа белгилаб олинди.

Яқинда вилоят Кенгашига хат чиқариб, "Янгиер" маҳалласининг 10 км. 100 метр масофасини асфальтлаш масаласини кўтариб чиқдик. Вилоят йўл бошқармасининг вакиллари ҳудудга келиб, масалани ўрганиб кетишди ва келгуси йил дастурга киритишга ваъда беришди.

Бугун одамларда депутатларга ишонч бор, уларни танишди, муҳофазат қилишди. Қайси депутат аввало ўзини ҳурмат қилиб, халқ олдида масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаол ишласа, вақтида берилган ваъдаларининг устидан чиқса, эл орасида обрўси ҳам, ҳурмати ҳам бўлади. Давлатимиз раҳбари ҳам халқнинг ичига кириб бориш, одамларнинг дардини эшитиш кераклиги ҳақида кўп бора гапирдилар. Биз ҳам ана шу мезон асосида ишлашимиз талаб этилади.



Назира ЭЛМУРОДОВА, халқ депутатлари Яқкабоғ туман Кенгашидаги ҲХДП гуруҳи раҳбари:

– Ҳудудимизда "Депутатлар боғи" ташкил этиляпти. Туманимиз депутатлари жипслашиб, ажратилган майдонга турли кўчатлар эдик. Албатта, ҳудудни ривожлантириш масалаларида ҳам иштирок этапмиз. Турли ташкилот, мактаб-боғчалар фаолияти ўрганиляпти. Масъул идора раҳбарларнинг ахборотларини эшитяпмиз.

Мухим саналарга бағишланган тадбирларда мунтазам қатнашиб келамиз. Депутатларимизнинг фаоллиги аввалги йилларга, аввалги чакриқларга нисбатан анча ошган. Буни уларнинг ташаббуслари, кўтариб чиқаётган масалалари, сессиялардаги фаол иштирокларида кўриш мумкин. Бирон-бир бемор ҳолидан хабар олишдан тортиб, шифохоналарни ўрганиш, маҳаллалардаги муаммоларни бартараф этиш дейсизми, барчасида

биргалиқда, ҳамжихатликда ишлаймиз. Фаолиятимизда тақиқлар, чегаралар йўқ.

Яқинда туман Кенгаши сессиясига партиямиз гуруҳи ташаббуси билан Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбарининг ҳисоботи эшитилди. Маълумотга кўра, туманда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 142,7 минг нафар, иқтисодий фаол аҳоли сони 108,2 минг нафар, банд аҳоли 98,4 минг нафарни ташкил қилади. Шундан расмий секторда бандлар 29,0 минг нафар, норасмий секторда бандлар 55,4 минг нафар, хорижга ишлаш учун кетганлар сони 14,1 минг нафарни ташкил этади.

Ил якунига қадар ишсиз фуқароларга бандлик соҳасида кўрсатиладиган хизматлар натижасида ишсизлик даражаси 8,4 фоизга камайитирилади.

Сессияда бандликка кўмаклашиш марказига камчиликларни бартараф этиш бўйича муддат белгиланди. Албатта, бу каби ҳисоботлар, идора-ташкilotларнинг маҳаллий Кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги ҳудудларни ривожлантириш, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топишда муҳим ўрин тутди.



Меҳринисо БОБОЕВА, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати:

– Ҳар бир сессияда қатнашаман. Уларда ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади. Саволлар берилади. Бугунги депутатлар аввалги депутатлар эмас. Илгари ҳам сессияларда, йиғилишларда иштирок этардим. Депутатлар фикрларини айтишга тортинарди. Бугун эса масъул

ташкilot раҳбарларига бемалол саволлар бера олади, натижалар талаб қила олади.

Депутатлар ҳудудлардаги камчиликлар бартараф этилиши, одамларнинг ташвишлари енгил бўлиши учун курашади. Одамларга нафим тегса, қувонаман. Биласизми, нима кўпроқ ёдимда қолади? Муҳофазати ижобий ҳал этилган одамнинг қувончини ҳеч нарсага қийслаб ҳам, алмашиб ҳам бўлмайди.

Ҳудудимизда бир одамнинг ўзи ёниб кетди. Кенгашда эҳтиёжман оилаларга бериладиган маблағлар муҳокамасида уларнинг муаммосини баён этдим ва кўшимча маблағ ажратилишига эришдик. Муҳокамалар ҳам ҳаққоний бўлади, моддий таъминот бериладиган

лар ҳақиқатан ночорми, муҳтожми, деб сўралади.

Маҳалла раислиги сайловидан кейин бир қанча депутатлар ишсиз бўлиб қолди. Уларнинг иш билан таъминлашни истардим. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши раислари яхши ишлаган депутатларни рағбатлантириши керак, деб ўйлайман. Рейтинг юритилиб, унинг кўрсаткичларига қараб, яхши ишлаган депутатларга эътибор қаратиш лозим. Бойси, қайсидир депутат жондиди билан ишлайди, кимдир эса номига фаолият юритади. Катта мукофот бериш шарт эмас, ҳар қандай рағбат одамга куч беради.

Гулрух ОДАШБОЕВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



ҲАЁТИДАН



ЮКСАКЛАРГА

ҲИЛПИРАГАН БАЙРОҒИМ

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан Республика Маънавият ва маърифат маркази Шаҳрисабз туман бўлини маси, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ҳамда Шаҳрисабз "Темурбеклар мактаби" курсантлари иштирокida "Давлатимиз байроғи – миллатимиз фахри, ғурури" шиори остида Шаҳрисабзда Оқсарой майдонида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда қўлларидан байроқ билан саф тортган "Темурбеклар мактаби" ўқувчиларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи юртимизда яшовчи миллат ва элатларни ягона мақсад ва ғоя остида бирлаштирувчи муқаддас қадрият, миллатлараро тотувлик белгиси эканлиги ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбирда Италия Республикасидан юртимизда меҳмон бўлиб турган сайёҳлар ҳам иштирок этишди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА КЎМАК БЕРИЛМОҚДА



Ўзбекистон ХДП Бектемир туман кенгаши вакиллари томонидан бир қатор учрашувлар ўтказилди.

Дастлаб, тумандаги "Иқбол" МФЙ БПТга ташир буюриб, маҳаллада ишлаётган хотин-қизлар фаоли Умида Пардаева билан суҳбатлашилди.

Маҳалладаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар рўйхати билан танишиб, уларга ҳуқуқий ва маънавий ёрдам бериш масаласи муҳокама қилинди.

Сўнг мазкур оилалар билан бирма-бир суҳбатлашилди. Навбатдаги манзил "Роҳат" МФЙ БПТ бўлди. "Роҳат" МФЙ да жойлашган кутубхонада "Аёллар билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида мулоқот қилинди.

Халқ депутатлари Бектемир тумани Кенгаши раиси Лалахан Ярашева учрашувда "Аёлларнинг сиёсий партияда тутган ўрни" мавзусида маъруза қилди. Давра суҳбатида шунингдек, юртимизда аёллар учун яратилаётган шароит ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш зарурлигига урғу берилди.

ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари ҳамда кўп квартиралли уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлиги таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарори асосида муҳим ишлар бажарилмоқда.

Туманда жами 36404 та аҳоли яшаш хонадонлари мавжуд бўлиб, шундан 19275 та хонадонда ўрганишлар олиб борилган. Корхона ва ташкilotларда 4673 нафар ишчи-хизматчилар билан тарғибот ишлари олиб борилди.

Аҳоли яшаш хонадонларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш бўйича тарғибот тадбирлари олиб борилди. Ўрганиш жарёнида 204 та аҳоли яшаш хонадонда ўрганиш иштири печларининг дудбўронлари талаб даражасида эмаслиги ҳамда 325 та аҳоли яшаш хонадонининг ошхонасидаги ўрнатилган табиий газда ишловчи газ плитасининг устида ҳаво сўриш мосламаси ўрнатилмаганлиги ҳамда 25 та ертўлада фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан ҳар хил турдаги ёнғин ёнғичи материаллар бетартиб ҳолда сақланаётгани ва бошқа ҳолатлар аниқланиб, камчиликлар жойида бартараф этилди.

Ёнғинларнинг олдини олиш инсонларнинг ҳалок бўлиши, тан жароҳат олишларига йўл қўймайлик, мол-мулкка зарар етмаслиги учун муҳимдир.

Д. АБДУЛЛАЕВ, Кармана тумани ФВБ бошлиғи, подполковник.
А.ҲАЗРАТОВ, ФВБ мутахассиси, оддий аскар.

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРСИЗ ИНСОН БЎЛМАЙДИ

Инсон ҳуқуқлари инсон зотига муносиб тарзда яшаш ва фаолият олиб бориш учун лозим бўлган ҳақ-ҳуқуқлар мажмуи тарзида таърифланади. Бугунги кунга келиб, инсон ҳуқуқлари давлатнинг демократик тараққиёт даражасини белгиловчи муҳим мезон ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари инсоният пайдо бўлгандан буён турли даражаларда, мутафаккирлар ва файласуфларнинг баҳс-мунозара мавзуси бўлиб келган. Унинг ҳуқуқий манбалари жуда қадимги замонларга бориб тақалади. Ҳозирги замон инсон ҳуқуқлари оид қонунчилик уч босқичга бўлиб ўрганилади.

Биринчи босқич. 1789 йилда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар даврни ўз ичига олади. Инсон ҳуқуқлари қонунчилиги биринчи босқичида шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги, шахс дахлсизлиги, хусусий мулк, сайлов ҳуқуқлари оид масалалар асосий ўрин эгаллаган.

Иккинчи босқич XX асрнинг 1 ярмини ўз ичига олади. Бунда инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи қонунчилигининг асосий мавзуси бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярми инсон ҳуқуқлари оид қонунчилигининг учинчи босқичи даври ҳисобланади. Бу даврда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид яратилган қонунлар инсон ҳуқуқлари қонунчилигининг "янги авлод" даври, деб номланади. Учинчи босқич қонунчилиги марказида **тинч яшаш ҳуқуқи, соф ва азаб-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи, тохот бора олиш ҳуқуқи туради.**

Мантиқан ўйлаб кўрилса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқлари оид қонунчилик тизимининг учинчи босқичида яратилган Конституциялар қаторидан ўрин олган. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, юқорида санаб ўтилган инсон ҳуқуқларининг барчаси Конституциямизда ўз аксини топган десак, муболага бўлмайди.

Жумладан, Конституциянинг иккинчи бўлими "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари", деб номланади. Ушбу бўлим 7 бобдан иборат бўлиб, унда Умумий қоидалар; Фуқаролик; Шахсий

ҳуқуқ ва эркинликлар; Сиёсий ҳуқуқлар; Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар; Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларнинг кафолатлари ва Фуқароларнинг бурчлари белгилаб берилган.

Шу ўринда нима учун фуқароларнинг бурчлари ҳам инсон ҳуқуқлари қаторида эътироф этилмоқда, деган савол туғилиши табиий. Ўзи бундай саволни бериш ўринлими? Бизнингча, тўғри. Чунки, фуқаро ўз бурчини бажариш орқали бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашда иштирок этади.

Масалан, ёшлар ватан олдидаги йигитлик бурчини бажарар экан, мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилади. Айни пайтда бошқа фуқароларнинг тинч яшаш ҳуқуқини таъминлашда иштирок этади.

Шу ўринда Конституциямиз меъёрларидан кўпчилик хабардорлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини халқро ҳужжатларга қийслаш орқали очиб беришга ҳаракат қилсак.

Маълумки, БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари оид 70 га яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан 70 дан ортик, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкilotи томонидан 30 дан ортик халқро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинган. Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда Инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқро ҳужжатлар мавжуд.

БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", менимча, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзагини ташкил этади. Қолаверса, бутун жаҳонда инсон ҳуқуқларига тааллуқли бўлган қонун ҳужжатлари "илдизи" ана шу декларация асосий ҳужжатидан "озикланади".

Жами 30 моддадан иборат бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг моддаларини ўқиймиз. "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 3-моддасидан: "Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир." Ўзбекистон Республикаси Конституциясини 24-моддасидан: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир."

Декларациянинг 5-моддасидан: "Ҳеч ким

Алишер КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ:

ЯНГИЛИК ВА
ЕНГИЛЛИКЛАР

– Авваламбор шунга таъкидлашнинг истардимки, янги тахрирдаги Меҳнат кодекси устида жуда узоқ вақт иш олиб борилди. Кодекс кичик ҳужжат эмас, айниқса, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солидиган кодекс ҳар томонлама мукамал бўлиши лозим эди. Айтилган, янги Меҳнат кодексини қабул қилиш зарурати нимада?

– Меҳнат қонунчилиги соҳаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасидаги ўзгаришлар, албатта, меҳнат муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Меҳнат бозори иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлардан келиб чиқадиган ўз қонунларини ва талабларини белгилайди. Меҳнат кодекси қабул қилингандан буён 26 йилдан зиёд вақт мобайнида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар, бозор муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида хусусий ва кичик тадбиркорлик соҳаларининг кенг ривожланиши, меҳнат бозорига янги касблар пайдо бўлганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мунтазам равишда фуқаролар бандлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, меҳнат бозорини ривожлантиришга қаратилган кўплаб чоралар қабул қилинмоқда.

Шу боисдан Меҳнат кодексининг янги тахрирда қабул қилиниши зарур эди. Булар ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчиман. Амалдаги кодексда айрим тоифадаги ходимларнинг меҳнати тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаганлиги билан бирга кодекснинг бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига эид бўлган меъёрлари ҳам бор эди. Бир сўз билан айтганда, 1995 йилдан буён ўтган даврдаги меҳнатга оид ўзгаришларни, бугунги замон талабларини қонунчилигимизда мустаҳкамлаш мақсадида Меҳнат кодекси янги тахрирда ишлаб чиқирилиб, қабул қилинди.

– Янги тахрирдаги Меҳнат кодексида белгиланган муҳим жиҳатларга тўхталиб ўтсангиз.

– Янги тахрирдаги Меҳнат кодексига 100 дан орტიқ янги меъёрлар белгиланди ёки тегишли меъёрлар ўзгаририлди. Деярли барча меҳнат муносабатларини тартибга солишчи меъёрлар қайтадан батафсил кўрсатиб ўтилди ва аниқлаштирилди. Иш берувчиларнинг тоифалари бўйича, масалан, микрофирмалар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, уй хўжалиги эгалари томонидан фуқаролар меҳнатидан фойдаланиш жараёнини тартибга солишчи алоҳида соддалаштирилган тартиблари жорий этилди. Амалдаги Меҳнат кодексида белгиланган барча меъёрлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар учун бир хил мажбурий эди.

Бундан ташқари, ходимларнинг тоифалари бўйича меҳнат муносабатларини тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари белгиланди. Яъни, айрим тоифадаги ходимлар, яъни аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан шуғулланувчилар, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар, вояга етмаганлар, масофавий ишчилар, касаначилар, яқка тартибдаги тадбиркорларда ёлланган ишлайдиган шахслар, уй ишчилари, меҳнат шартномаси бўйича ўта оғир ва ўта зарарли ишларда ёки ноқулай климат шартларида ишлайдиган ишчилар, ташкилотлар раҳбарлари ва коллегиял органлар аъзолари, шунингдек, транспорт ходимлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва профессионал

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 28 ОКТАБРЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ УШБУ САНАДАН ОЛТИ ОЙ ЎТГАНДАН СЎНГ КУЧГА ҚИРАДИ. ЭНДИ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА КЎП НАРСА ЎЗГАРАДИ, ЯНГИЛИК ВА ЕНГИЛЛИКЛАР ҲАМ КЎПЛАЙДИ.

БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ДАВЛАТ МЕҲНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИ ҚУДРАТУЛЛО ОДИНАЕВ ФИКРЛАРИНИ БИЛДИРИБ, МУХБИРИМИЗНИНГ ҚАТОР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРДИ.

спортчилар, шу билан бирга, чет эллик ишчилар билан боғлиқ меҳнат муносабатлари алоҳида меъёрлар билан тартибга солинди.

Яна асосий ўзгаришлардан бири ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати ташкилотларнинг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ҳамда ташкилотлар алоҳида бўлинувчиларнинг раҳбарлари учун олти ойгача синов муддати қўллаш мумкинлиги белгиланди. Амалдаги тахрирда эса синов муддати барча ҳолларда 3 ой этиб белгиланган эди. Шунингдек, ходимни бошқа иш берувчига вақтинча бир йилдан кўп бўлмаган муддатга хизмат сафарига юбориш амалиёти белгиланди. Амалдаги тахрирда бошқа иш берувчига хизмат сафарига юбориш мумкин эмас эди.

– Янги тахрирдаги кодексда мослашувчан иш вақти режими жорий этилиши ўз аксини топган. Бунда ходим ўзининг шартномасига қараб иш вақтини белгилаши мумкинми?

– Дарҳақиқат, кодекснинг муҳим жиҳатларидан яна бири, бу мослашувчан иш вақти режими, яъни ходимлар иш кунининг бошланганини, тугаганини ва умумий давомийлигини муайян доирада уларнинг ўзи тартибга солишига йўл қўйилиши жорий этилмоқда. Амалдаги тахрирда эса бундай тартиб йўқ эди. Мазкур кодекс истиқболда кичик бизнес субъектлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланадиган аҳоли меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишга имкон беради. Расмий ва норасмий тармоқда мавсумий иш билан банд бўлганларнинг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солишдаги бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этади. Меҳнат муносабатларида коррупция хавфи камайиб, “Ягона миллий меҳнат тизими” рақамлаштирилади. Шунингдек, янги Меҳнат кодексига кўра, байрам кунини дам олиш кунига тўғри келса, кейинги кунга кўчирилиши, бир қатор тоифадаги шахсларга дастлабки синов белгиланмаслиги, ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори иш стажига боғлиқ бўлиши, ҳомиладор аёлларга қўшимча бўш кунлар берилиши белгиланмоқда. Шунингдек, Кодексда қонунийлашган масофадан ишлаш тартиби, узайтирилган меҳнат таътили, оммавий ишдан бўшатиш мезонлари, ходимнинг шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилиш тартиби жорий этилиб, аёлларга қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Қабул қилинган Меҳнат кодексига иш берувчиларнинг тоифалари янгилашган бўлиб, уларнинг доираси анча кенгайди. Масалан, эндиликда иш берувчи сифатида нафақат ташкилотлар, балки уларнинг алоҳида таркибий бўлинувчилари ҳам иш берувчи ваколатига эга бўлади. Ундан ташқари, жисмоний шахслар ҳам иш берувчилар қаторига расман киритилди. Меҳнат шартномасини тузиш асослари амалдаги кодексда ҳам бор, лекин янги кодексда ҳар бир асосни тушунтирадиган алоҳида модда шаклланди. Умуман олганда, янги қабул қилинган Меҳнат кодексига бир нечта йирик гуруҳдаги меъёрлар мужассамланган. Биринчидан, кодексда 26 йиллик амалиётда ўз фойдасини тасдиқлаган меъёрлар ўз ўрнида қолди.

Булар меҳнат шартномаси, уни тузиш, ўзгариши ва бекор қилиш билан боғлиқ моддалар, яъни ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни илгаригидек қолган. Лекин юқорида айтиб ўтганимдек, амалдаги меъёрларни аниқлаштирувчи моддалар қўшилган. Бунда айрим моддалар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига эид бўлгани сабабли чиқариб ташланган. Масалан, иш берувчининг ташаббуси билан пенсия ёшига етганлиги

муносабати билан ишдан бўшатиш асоси янги кодекс матнида йўқ. Лекин кўплаб янги асослар қўшилган, уларнинг ичиди бугунги кунда амалда бўлган Меҳнат кодексининг 97-моддасида кўрсатилган меҳнат шартномасида кўрсатилган асослар сезиларли тарзда кенгайган ва улар асосан айрим хусусиятларга эга бўлган меҳнат муносабатларига тегишлидир.

Масалан, яқка тартибдаги тадбиркор, спорт соҳаси ходимлари, педагог, тиббий соҳада ишлаётганлар, раҳбар ходимларнинг меҳнат шартномаларига тегишли. Эндиликда бундай ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари кодексда кўрсатилган асослардан ташқари меҳнат шартномасида белгиланган асосларга кўра бекор қилиниши батафсил ёритилган. Маълумки, қанча ҳуқуқий тартибга солиш бўлса, уларни таътиб этишда мутахассисларга анча енгиллик пайдо бўлди. Демак, илгари умумий тарзда тартибга солинган бўлса ҳам, лекин бўшлиқ бўлиб турган айрим масалаларга бугунги кунда янги Меҳнат кодекси янги меъёрлар билан жавоб беради.

Янги Меҳнат кодексига рақамлаштириш масалалари ўз аксини топган, масалан, меҳнат шартномаларини электрон тузилган ҳолда Ягона меҳнат реестрига киритилиши, шунингдек, электрон меҳнат дафтларчаларни очиш ва юришти масалалари ҳам атрофлиқа ёритилган.

– Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга янги Меҳнат кодексига қандай имтиёзлар берилган?

Ҳар қандай ташкилот ўзининг ходимлари учун қулайроқ шартномалар, масалан, кўпроқ иш ҳақи, қўшимча дам олиш кунлари, мукофотлаш, меҳнат муҳофазасини кучайтирувчи қоидалар, янада қулай меҳнат шартномаларида ишлашни назарда тутадиган махсус ички меҳнат ҳужжатларини тузиш имкониятига эга.

– Янги Меҳнат кодексига ушбу тоифадаги фуқаролар учун ишга жойлаштиришга оид янги меъёрлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунда белгиланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари рўйхатига киритилган фуқаролар ва ташкилотлар бу моддаларга риоя қилишга мажбур. Меҳнат муносабатлари эса ходимлар ва иш берувчилар иштирокида ташкил этилиб, тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ.

Масалан, ҳаммага маълум ва машҳур бўлган касба уюшмалари ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда белгиланган шартларни ишловчининг фойдасига хизмат қиладиган қилиб белгилаши мумкин. Бунга эса иш берувчилар, яъни раҳбарлар билан музокараларни ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Бундай музокаралар орқали ҳар қандай ташкилот ўзининг ходимлари учун қулайроқ шартномалар, масалан, кўпроқ иш ҳақи, қўшимча дам олиш кунлари, мукофотлаш, меҳнат муҳофазасини кучайтирувчи қоидалар, янада қулай меҳнат шартномаларида ишлашни назарда тутадиган махсус ички меҳнат ҳужжатларини тузиш имкониятига эга.

Худди шундай ходимларнинг меҳнат интизомини белгиловчи, ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, аттестация тартибини белгиловчи, хизмат сафарини тартибга солишчи қорхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари айнан бир қорхона учун қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун, албатта, ҳамма учун намуна сифатида хизмат қиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон касба уюшмаси



рувчилари махсус йўлланма орқали ишга жойлашади. Шунингдек, 3 ёшга тўлмаган болани парваришлаётган ходим билан (ёлғиз она, ёки ёлғиз ота), яъни ёлғиз боқувчи бўлса, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиб бўлмайди. Ногиронлиги бор шахсларни эса ташкилотнинг минимал иш жойлари ҳисобидан ишга қабул қилиш керак, бунда уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларни тақлиф этиш мумкин эмас. Ногиронлиги бор шахслар мунтазам равишда тиббий кўрикдан иш берувчи ҳисобидан ўтказилади. Худди шундай вояга етмаган ходимлар меҳнатига тааллуқли ангилликлар бор. Уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларни тақлиф этиш мумкин эмас. Ногиронлиги бор шахслар банд бўлган ёки бўлмаганлигига қараб икки соатдан етти соатгача белгиланган.

– Бу ўзгаришларни амалиётда қўллаш қандай бўлади?

– Албатта, киритилган ўзгаришлар кўп. Ҳаммамизга маълум бўлган, бир қарашда осон деб туюладиган моддалар ҳам янги ҳолатга берилган. Меҳнат кодекси хусусиятлари шундаки, унинг аксарият моддалари бошқа кодекслар ёки қонунларга ўхшаб давлат томонидан тўғридан-тўғри

Федерацияси кенгаши ва Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиши кутилмоқда.

Умуман олганда, турли иш берувчиларда меҳнат шартномаси хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бундай шартномаларнинг намунаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Демак, Меҳнат кодекси амалда ишлаб кетиши учун шу ва шунга ўхшаш яна кўплаб ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши кутилмоқда.

Масалан, ноқулай ва хавфли меҳнат шартномалари ҳисобланадиган ишлар рўйхати, аёллар ва вояга етмаганлар учун максимал оғир юк чегараси, тиббиёт ходимларининг қисқартирилган иш вақти ишлар рўйхати ва ҳоказолар. Буларнинг ҳаммасини мана шу Меҳнат кодекси кучга киритган қадар қабул қилиниши кутилмоқда.

Янги Меҳнат кодекси илгари қонун билан тартибга солинмаган тадбиркорлик соҳасида ёлланма меҳнат муносабатларини назарда тутадиган бўлди. Бу соҳаларда ишлаётган меҳнаткорларнинг меҳнат ҳуқуқларини аниқ белгилаб берди. Бугунги кунда биламизки, аҳолининг қатта қисми тадбиркорлар қўлида яширин меҳнат бозорига фаолият юритмоқда. Бунда етарли даражада ойлик иш ҳақи, муносиб меҳнат шартномалари, дам олиш ва таътиллاردан воз кечган ҳолда ишлашга мажбур. Шунинг учун, янги Меҳнат кодекси айнан шундай меҳнаткорларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, улар фаолият юритаётган иш жойларини ва иш берувчиларнинг расмий бўлишига хизмат қилади.

– Кимлар ишга жойлашган давлат томонидан алоҳида қўллаб-қувватланади?

– Биламизки, халқаро ҳужжатлар, миллий меъёрий ҳужжатларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида тартиблар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу кодексда ҳам 14 ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-оналар ҳамда кўп болали оилалардаги ота-оналарга имтиёзлар мавжуд.

Шунингдек, “Меҳрибонлик” уйлари билан битирувчилари, олий таълим ташкилотларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактаблари ва коллежлари ҳамда техникумларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсия олди ёшидаги шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар ёки суднинг қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилган шахслар ҳамда одам савдосидан жабрланганларга имтиёз белгиланди. Ҳужжатга кўра, давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Шунингдек, ўриндошлик асосида ишлашга доир чекловлар, касаначилар меҳнат муносабатлари, масофадан туриб ишлаш ҳамда ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш чоғидаги кафолатлар бўйича батафсил ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан янги тартиблар белгиланди.

**“Ўзбекистон овози” мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
сўхбатлашди.**

OG'RIQLI NUQTA

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИГА
ХИЗМАТ САФАРИГА
КЕТИБ БОРАР ЭКАНМИЗ,
БИР НЕЧА ОЙ ОЛДИН
РЎЙ БЕРГАН ЎША
МАШЪУМ ВОҚЕА ҲАҚИДА
ЎЙЛАДИМ. ИЖТИМОЙ
ТАРМОҚЛАРДА, ОАВДА
ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДА
ЭР ХОТИНИНИ УЙ
БОҒЧАСИДАГИ БОЛАЛАР
КЎЗ ЎНГИДА БЎҒИБ,
УРГАНИ АКС ЭТГАН
ВИДЕО ТАРҚАЛГАНИДАН
КЎПЧИЛИКНИНГ
ХАБАРИ БОР. БУТУН
ЎЗБЕКИСТОНДА БУ
МУДХИШ ФОЖИА ҲАҚИДА
ЭШИТМАГАН КИШИ
ҚОЛМАГАН ҲАМ БЎЛСА
КЕРАК.



САВОЛЛАР КЎП, АЧЧИҚ

24 август куни Қуйи Чирчиқ тумани «Пахтакор» маҳалласида яшовчи 31 ёшли эркак 24 ёшли турмуш ўртоғини қаттиқ уриб, ҳақорат қилган. Бош прокуратура қалтаклаган эркак кейинчалик уни ўлдиргани ва гумонланувчига нисбатан жиноят иши кўзгатирилгани ҳақида маълум қилган эди.

Одатда бундай мудхис воқеаларни тезроқ унутишга, ўйламлиликка ҳаракат қиламан. Аслида ўзганинг кулфатини муҳокама қилиш ҳам ноўрин. Бироқ ушбу ҳолатда бир аёл қотиллик қўрбонига айланяпти. Болалар онасиз қоляпти. Ҳаётга бир марта келадиган энди бу оламда йўқ...

Туманга етиб борганимизда биринчи манзилимиз марҳума қисқа муддат ишлаган поликлиника бўлди. Бизни жуда ҳам совуқ қарши олган аёл мақсадимни, нега келганимни сўради. Фақатгина исм-шарифимни айтганим учун айбдорга ҳам чиқдим. Ваҳоланки, бизга ушбу шифохона жойлашган маҳалланинг хотин-қизлар фаоли хамроҳлик қилаётган эди. Табиийки, шифохона мудирасиман, деб ўзини таништирган аёлнинг муомаласи хуш бўлмаганини ҳам қўшимча қилдим. Шунда муассаса раҳбари ўша машъум ҳодиса ҳақида гапиришни ҳам, эшитишни ҳам истамаслигини билдирди. Чунки фожиа уларга қаттиқ зарба берган бўлиб, у ҳақидаги гап кайфиятга таъсир қилишини қайд этди.

Бироқ норозик билан бошланган сўхбат бир-икки саволлардан кейин қовушиб, узок давом этди. Марҳума қандай инсон экани билан қизиқганимизда мудиранинг дастлабки жавоби "вақтида ишга келарди ва вазифаларини яхши бажарар эди", деган тарзда бўлди. Яхши ҳамшира, ходим ва қувноқ, ҳаётсизлар шахс сифатида таърифлади.

– Муҳайё шифохонамизда ўтган йили ноябрдан иш бошлаган эди, – эслайди оилавий поликлиника мудираси. – Атиги 9 ой бирга фаолият олиб бордик. Унинг турмуш ўртоғи ўзи келиб, туғруқ таътилидан қайтган аёлнинг ҳамшира бўлиб ишлашини истаётганини, оқ халатли аёлларга ҳавас қилишини билдирган. Ҳали ёш экани, билмаганини ўргатиб, ҳам устоз, ҳам оналик қилишимни сўраганди. Нима сабабдан ва қандай қилиб шундай воқеа содир бўлди, билолмай қолдик.

Улар ёш оила эди. Шунга қарамай, эр-хотин алоҳида яшарди. Марҳуманинг қайнонаси ҳам ҳамшира бўлган. Адашмасам, ўтган йили коронавирусдан вафот этганди. Қайнотаси эса астма билан хасталанган. Камига бу воқеалар анча қаддини букиб қўйгандек бўлди. Яқинда поликлиникамизга келганда кўргандим, дея хўрсинади мудира.

Ҳамкасбларидан сўраганимизда марҳума ўлимидан уч ойча олдин ота-онасиникига кетиб қолган экан. Бунга ҳам қаттиқ қалтакланиш сабаб бўлган. Ишга келиш-кетишда доим хавотир билан юрганини эслашди. Маҳалла фаоллари эса эри марҳумани яхши кўргани ва унинг шаънига ёмон гап айтмаганини таъкидлади.

Маълум бўлишича, бир муддат аёлидан алоҳида яшаган эркак поликлиника мудирасининг ёнига боради. Хотини билан яраштириб қўйишини сўрайди. Шунда шифокор эрга насиҳат қилади. Аёл кишини уриб бўлмадлиги, авайлаши кераклигини тушунтиришга уринади. Хотини ундан қўриқшини ҳам қўшимча қилади. Ана шунда эр урмасликка ваъда берган бўлади. Кейин маҳалла раиси ҳамда бошқа фаоллар жамлашиб, ушбу масалани муҳокама қилмоқчи бўлади. Бироқ оилавий масалага бошқаларнинг аралашувидан эрининг газбаби қайнаб, ким биландир тортишиб қолади. Ҳаттоки, ёқалашмоқчи бўлади.

Шунда марҳума эрига жони ачибми, бошқа сабабданми айбланувчи билан бирга кетади. Маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг сўзларига кўра, марҳумага ҳимоя ордери тақлиф этилган. Аммо аёл рад жавоби берган. Ушбу воқеадан кейин ишхона-

дагилар ҳам, маҳалладагилар ҳам уларни ярашиб кетган, деб ўйлаган экан. Аммо аёл отасининг уйида яшаб келган.

Марҳума билан бир хонада ишлаб келган ҳамкасби ҳам ҳеч нимадан хабари бўлмаганини, ҳол-аҳвол сўраганда ҳаммаси яхши эканини айтганини таъкидлади. Фақатгина бир неча марта эри марҳумага пўписа қилганини, шу сабабли ундан кўриқшини айтган экан...

Бир соатлар чамаси давом этган сўхбатдан сўнг марҳума яшаган маҳаллага бордик. Қўшнилари билан сўхбатлашдик. Улар ҳам аёл ҳақида фақат яхши гаплар айтишди. Марҳума билан бир маҳалла катта бўлганини айтган қўшниси унинг қалтакланиб келганини билганини тан олди. Маълум бўлишича, аёл баданидаги кўқарган, кизарган ва зарба еган жойларини унга кўрсатган. Қўшниси бу ҳақда кимгадир хабар бериш кераклигини айтганда марҳума истамасганини, баттарроқ бўлишидан кўриқшини билдирган.

Хуллас, эр-хотин ўртасидаги жоғара, келишмовчилик сир бўлмаган. Чунки ён қўшниси уларнинг жанжалларини кўп эшитган, бир сафар кириб ажратмоқчи ҳам бўлган экан. Ўтган дамни яхши сўзлар билан ёд олиб, алқаб гапирган киши катта ёшли онахон эди.

Ҳамма марҳумани айбсиз, ожиза, жабрланувчи сифатида билган, нега ҳеч ким бирор чора кўриш ҳақида ўйламаган? Эркак оилавий можарони кўчага чиқаришни, омма олдида муҳокама қилишни истамасдир. Аммо маҳалла нозири бор-ку? У фуқаронинг ишини сир сақлаган ҳолда, унга қонуний чора кўриш мумкин эди-ку? Ҳаёлимизда айланаётган саволлар билан марҳуманинг ота-онаси яшайдиган маҳаллага бордик. У ерда бизни раис кутиб олди.

Маҳалла раисининг сўзларига кўра, узатилган қиз 3 ой давомида ота-онасининг уйида яшаганидан бехабар бўлган. Фақатгина 24 август куни марҳуманинг турмуш ўртоғи билан кўчада уш берган тортишуви боғида қалтакланиши билан тугагач, отаси орқали хабар топган экан.

Яъни, бу ҳолатдан хабар топган отаси маҳалла раиси гувоҳлигида участка инспекторига мурожаат қилган. Куёвига нисбатан чора кўришини сўраганда, инспектор аёлдан ариза ёздириб олган. Айбдорга, албатта, чора кўрилишини, у бир неча суткага қамалишини айтган. Раиснинг сўзларига кўра, жиноят аломати йўқ, деб инспектор ишни давом эттира олмаган. Яъни, қизнинг отаси илтимос қилса ҳам, на марҳуманинг танасида бирор жароҳат борлиги ва на эркакнинг ичгани тасдиқланганини айтган. Боғидаги жанжалда фақатгина аёлнинг қўлидан телефонини тортиб олишга урингани учунгина эрни қамаб бўлмадлигини таъкидлаган. Шундай қилиб, отанинг хавотири бироз босилган ва у ҳам ўз ишларига шўнғиган.

Маҳалла раисига кўра, марҳума Ҳамроева турмуш ўртоғи билан уришиб қолган пайтларда ота-онасиникига келиб, 2-3 кун туриб, яна уйига қайтиб кетган. Қўшнилари ҳам Ҳамроевани уйига қайтиб келганини билмаган. Икки ёшнинг орасидаги келиш-мовчиликлардан ҳаттоки ота-онаси яхши хабардор бўлмаган. Улар бирини билса, бирини билмаган. Махсус қарор бўйича хонадонлар ўрганилганда ҳам оиладагилар қизининг аразлаб келганини маълум қилмаган. Бунинг сабабини маҳалладагилар хонадон эгалари уйдаги гапни кўчага олиб чиқишни уят санагани, деб баҳоламоқда. Фақатгина мудхис воқеадан сўнг "Мевазор" маҳалласидагилар нега шунча гапни яширганликларини сўраганда ор қилишганини тан олишган...

Маҳалла раиси марҳумадаги андишаллик, сабрлилик унинг ҳаёти дахшатли якун топишига сабаб бўлганини ҳам таъкидлади.

Совуққина хонада совуққина гапларни тинглар эканмиз, марҳуманинг ота уйига бориш истиганини билдирдим. Раис хонадон эгасига бир неча марта кўнғироқ қилди. "Қизнинг отаси ишда бўлса керак. Булар

кунликка чиқади-да", деди.

Марҳуманинг онаси кутиб олди. Ҳамдардик билдирдик. Икки болакай ёнимизга гуруби келди. Каттароғи бизни силаб-сийпалаб, ўз тилида нимадир деди. Айтишларича, у воқеага гувоҳ бўлган. Боланинг кўзларидаги ҳолатни англаш ҳам бироз мушкул эди. 4 ёш экани айтилган болажоннинг ҳали ҳам гапирмаслигидан ҳайрон қараб турганимда, аёл келишимиздан мақсадни билиб, биздан кетишимизни сўради. Ҳеч нимани эслашни, гапиришни истамаслигини айтди. Ўсмир ёшдаги ўғлининг биз билан гаплашишига ҳам рухсат бермади.

Онанинг изтиробларини тушунишга ҳаракат қилдик. Бир инсоннинг ярасини янгилаганимиздан афсусда кўчага чиқдик...

Қуйи Чирчиқ туманидаги иккита маҳаллада ўтказилган деярли бир кунимиз саволларни кўпайтиргандек бўлди. Воқеага ҳамма ўзича баҳо беради. Лекин ҳаммасининг сўзида маълумки, улар қизнинг ҳаётидан бехабар бўлмаган.

"Сен менга тегма, мен сенга тегмайман", "Оч қорним – тинч қулоғим", деган ақидда шу қадар томиримизга ўтириб қолгани уларни гапиришдан, воқеага олдинроқ муносабат билдиришдан тийган.

Инсон ҳуқуқлари ҳамда ҳафсизликни таъминлашга масъул бўлган шахсларнинг эътиборсизлиги ҳам бор гап, афсуски. Бир аёлга куч ишлатилишига "эр-хотиннинг уруши", деб баҳо бериш орқали масалага кўз юмиш оқибати, холосмикан?..

Қонунда эр-хотиннинг уруши, деган тушунчанинг ўзи йўқ. Аёл эркакнинг шахсий мулкни, деган қараш эса асло. Аммо марҳума йиллар давомида андиша қилган, "маҳалла-кўй нима дейди", деб ўйлаган инсонлар негадир бугун кўз ёш қилипти. Гўё маҳалла-кўй ҳамма гапларни арифтадигандек. Ўша марҳума ва яқинлари андишада бўлган кишилар энди ҳеч нарса қилолмайди.

Фазилат деб ўйлаганларимиз аслида ҳамчилик, ҳаётни англашдаги қусур, шахсиятдаги ожизлик белгиси эмасми? Жамиятда зўравонлик, хўрлик ва қотилликлар кўпайишига ёки камий-маслигага ўзимиз айбдормасми? Биров ваҳшийлик қилади, лекин уни шу қора нуқтагача етиб келишига атрофда-дунда (масъуллар, қўни-қўшни, қариндош-уруғ), муҳит сабабми бўлади. Бу Қуйи Чирчиқдаги маҳаллага эмас, юртимиздаги барча маҳаллаларга, ҳаммамизга тааллуқли масала. Қанақа масала, бу катта, оғир муаммо.

Марҳума бошқа жамиятда яшаганида бундай ўлим топмасди эҳтимол. Одамлар, жамоатчилик назорати, инсон ҳуқуқлари устуворлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қотилликка йўл қўймасмиди?..

Хуллас, саволлар кўп ва аччиқ. Атрофимизда ўз қобигига ўралиб олган одамлар кўпаймоқда. Бирор-бир воқеа рўй берганда машхурлик учун, "хайп" учун уни тарқатиш, муҳокамаларда фаол қатнашиш одатга айланаётгандек. Аммо кейинги воқеалар қандай кечгани, нима бўлгани, воқеадаги инсонларнинг яқинлари, оиласи, фарзандлари ҳақида қайғурадиганлар жуда-жуда кам. Ижтимоий тармоқ, ОАВда яна бошқа янгилик, "шов-шув" кетидан қувиб кетамиз... Шахсиятимиздаги, руҳимиздаги жиддий қусур ҳақида қачон жиддийроқ ўйлаймиз. Уйлагандан, сиқилгандан нима фойда, дермиз. Ўйламасак, ўзгармаймиз.

Сохта "маданият" аслида жамиятни таназулга бошламайди? Кимдир бошқанинг ҳуқуқини поймол қилса, ёнида туриб кураша олмаймиз. Муштлашгани ажратиш, касалга ёрдан бериш ўрнига, видеога тушираемиз. Қондабузарни тартибга чақириб ўрнига, "ўзим оппоқман-ку", деб мамнун бўлаемиз. Худди марҳуманинг ҳаётидан хабардор бўлгану ачиниб билан қараб келган меҳрибонлардек.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ

Барқарор ривожланиш деганда ҳозирги авлодлар ҳаётини яхшироқ қилишнинг келгуси авлодлар ҳаётини яхшироқ қилишнинг зарар етказмасдан амалга ошириладиган ривожланиш тушунилади.

Барқарор ривожланиш мақсадлари 2015 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган бўлиб, 2030 йилгача мақсадларга эришиш белги-ланган. Барқарор ривожланишнинг 17 мақсади ва тегишли вазифалар кенг миқёсли масалаларни, яъни соғлиқ ва фаровонликдан тортиб то иқлим ўзгаришларигача, гендер тенглигидан тортиб истеъмол ва ишлаб чиқариш моделлари ўзгаришларигача бўлган жараёни қамраб олган.

Ҳар бир мақсад аниқ бир муаммони ҳал қилишга қаратилган. Биринчи 7 та мақсад инсонларга асосий хизматлар: сифатли озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, таълим, электр энергияси, тоза сув ва канализация билан таъминлашга қаратилган. 13-15-мақсадлар кўпроқ атроф – муҳит, экология, 8 ва 9 –мақсадлар иқтисодиёт, 16-мақсад қонунчилик масалалари билан боғлиқ. Барча мақсадлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бирига эришмасдан, бошқаларига эришиш мумкин эмас.

Барқарор ривожланиш мақсадлари-га эришишнинг устувор йўналишлари дунёнинг турли мамлакатларида фарқ қилади. Кўпгина мамлакатларда барқарор ривожланиш кун тартибига сингдирилган давлат, балки бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. БРМ индексиде етакчи ўринни эгаллаган мамлакатларда барқарор ривожланиш маълум даражада таълим жараёнига сингдирилган бўлиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш бўйича олдига қўйган мақсадларига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

ШВЕЦИЯ ТАЖРИБАСИ

Бугунги кунда Швеция БМТ томонидан қабул қилинган барқарор ривожланиш индексиде ҳисоб-китобларига кўра, дунёдаги энг "барқарор ривожланган" давлат ҳисобланади.

Барқарор ривожланиш масалаларига Швеция ҳукумати 1990-йилларнинг бошларидан эътибор қаратишни бошлаган. 1992 йилда БМТнинг Рио-де-Жанейрода ўтказилган Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси хулосалари асосида Швециянинг биринчи барқарор ривожланиш стратегияси (SIDA) чоп этилган. 1994 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда ҳукумат ҳар бир вазирликнинг барқарор ривожланиш соҳасидаги фаолияти ва устувор йўналишлари бўйича бир неча маълумотларни эълон қилган. 2002 йилда Швециянинг барқарор ривожланиш миллий стратегияси қабул қилинган, кейинчалик 2004 йилда стратегия қайта кўриб чиқилган ва 2006 йил март ойида ҳукумат "Стратегик мақсадлар: барқарор ривожланиш бўйича Швеция стратегиясини янада ривожлантириш" концепциясини қабул қилган. 2007 йилдан бошлаб давлат корхоналари барқарор ривожланиш соҳасида уларга қўйилган талабларга жавоб берадиган ҳисоботларни мунтазам равишда тақдим этишлари, 2014 йилдан бошлаб барча давлат ташкилотлари ҳам ўз олдида барқарор ривожланиш мақсадларини белгилаши, эришилган ютуқларни баҳолаши ва бу маълумотларни ҳисоботларида акс эттиришлари белгиланган.

2015 йилда барқарор ривожланишнинг 17 та мақсадлари қабул қилинганда, Швеция ушбу мақсадларни маҳаллийлаштиришда эҳтиёж йўқлигини ва бугунги кунда барқарор ривожланиш мақсадлари барча соҳаларга сингдирилгани ҳақида маълумот беради. Швецияда барқарор ривожланиш маълум даражада таълим жараёнига ҳам сингдирилган бўлиб, хусусан, 2003 йилда Швеция ҳукумати барқарор ривожланиш таълим тизимига киритиш учун Таълим қўмитасини тузган. Швеция ҳукуматининг 2006 йилдаги баёнотида эса, барқарор ривожланиш концепцияси таълим жараёнининг барча даражаларида ўрганилиши кераклиги таъкидланган. Бу ерда барқарор ривожланиш болалар боғчасидан тортиб то малака ошириш курсларигача ўқитилади.

Хулоса ўрнида, хоржий давлатларнинг БРМ индексиде етакчи ўринни эгаллашида уларнинг барқарор ривожланиш мақсадларини кенг тарғиботи, ушбу мақсадларни таълим тизимига интеграция қилинишига эътибор қаратганларини кўришимиз мумкин. Аниққис, ўқув дастурларида барқарор ривожланиш масалалари, дарсликларда БРМ тушунчаси, мазмун-моҳиятини акс эттирилиши ушбу давлатларнинг барқарор ривожланиш йўлида юқори натижаларга эришишида муҳим омил бўлган.

**Малика РАШИДОВА,
Халқ таълими вазирлиги етакчи мутахассиси.**

“МАЪНАВИЯТ КАРВОНИ”НИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ

ИНСОННИНГ ҚАДРИ ИНСОН БИЛАН

Юртимизда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этиш орқали ватанпарвар, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлоднинг тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишдек маъсулиятли “юк”ларни елкасига ортган “Маънавият карвони”нинг навбатдаги мантили ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий бобомиз номи билан аталган вилоят бўлди. Таникли шоиру ёзувчилар, илму фан арбоблари, санъаткорлар, кино санъати даргаларидан иборат карвон бепоеён кенгликлар ичра яшаётган мард ва танти, маърифатпарвар инсонлар ватани сари йўл олди.

Бизнинг Алишер Азимов бошчилигидаги ижодий гуруҳимиз аъзолари вилоятнинг Конимех туманига кечга яқин етиб борди. Меҳмонхонага жойлашиб, Зафаробод шаҳарчасидаги 5-сон кон бошқармаси сари йўл олди. Чунки бу ерда 300га яқин қончилар ва уларнинг оила аъзолари бизни интиқлик билан кутишгаётган экан. Қончи меҳнаткашлар шоир-ёзувчиларимизнинг ижод намуналарини дилдан тинглашди, таникли санъаткорларимизга қўшилиб рақсага тушиб, қўшиқларига жўр бўлишди. Шундай қилиб, илк маънавий-маърифий тадбиримиз кўтаринки руҳиятда бошланди.

– Комбинатимиз асосан бургулаш ишлари, уранини қайта ишлашга ихтисослашган, – дея таништириш баробарида сўз бошлади **5-сон кон бошқармаси бош муҳандиси Султон Маҳмудов**. – Бу ерда уч мингга яқин ишчи фаолият кўрсатиб, оладиган маошлари эвазига оилаларининг қундалик эҳтиёжларини қондирадиган, маърифий тадбирлар ўтказиб, қўнғилдагидек маданий дам оладилар.

Кейинги манзилимиз туман Маънавият ва маърифат марказида бўлди. Бу ерда маънавий меросимизнинг нодир намуналарини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг ёйишга қаратилган “Миллий қадриятлар” тақдироти ўтказилди. Бунда қозоқ халқининг “Беташар” (бет очар), “Тусаукесер” (тушов кесиш), “Бесекке салу” (гўдакни бешикка солиш), қорақалпоқ халқларининг “Қиз узату” (келин салом), чой қўйиш каби миллий урф-одатлари, маросимлари бизга олам-олам завқ-шавқ бағишлади. Шундан сўнг, Наврўз, Дўстлик, Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олганлар тинч ва осуда юрдагина инсон номи, шаъни қадр топиши ҳамда элда ривожланиш бўлишини алоҳида таъкидлашди. Она Ватан мадҳ этилган шеърлар янграб, маҳалла аҳли билан самимий мулоқотга уланиб кетди.

Муҳими, “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ўтказилган ҳар бир тадбир барчамизга дили бир, дини бир, қадриятлари битта халқ эканлигини тақдирдан ёдимизга солгандек бўлди...

Одам одам билан дардлашади, қайғусини

бўлишади, ўзаро фикр алмашади, орзу-умидларини баҳам кўради. Шуниси билан инсон шарафли, эътиборли. Тадбирларимиз доирасида Меҳр-саховат лойиҳаси ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, қариялар, ногиронлиги бор шахслар, бемор юртдошларимиз ҳолидан хабар олиш кўзда тутилган. Биз Конимех туманининг “Наврўз” МФЙдаги бир неча хонадонларда бўлдик. Қувонарлиси шундаки, ушбу маҳаллада яшаётган ногиронлиги бор аёлнинг қизи – Алданазарова Арзигулнинг ишга жойлашини юзасидан қилинган илтимосини ижобий ҳал этиш туман ҳокими ўринбосари Қувончбек Шамсиев томонидан шу ернинг ўзидаёқ масаланинг амалий ечимига киришилди.

Яна бир қувончли жиҳати – шу элнинг сеvimли фарзанди депутат Ахшагул Тулегенова бизга хамроҳлик қилди ва яқиндан ёрдам берди. Депутат опамизнинг ўзлари ҳам ғайрат-шижоати шундоқ ҳаракатларидан сезилиб турадиган азии қатъий аёл экан. Сўхбатдошимиздан биз кўплаб қизиқарли ва фойдали маълумотлар олишга муваффақ бўлдик. Депутат катта фахр ва ифтихор билан конимехликларнинг ўта меҳнатсеварликлари, ўз олдига эзгу мақсад қўйиб, унга эришишда бардавом бўлиб умргуздорлик қилишларини тўлқинланиб ҳикоя қилди. Конимехликлар орасидан икки нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, икки нафар Қорақолпоғистон халқ артисти, 3 нафар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ўн нафарга яқин хизмат кўрсатган чорвадорлар фаолият кўрсатишаркан.

Қизиқ маълумот. Конимехлик чўпонлар Қизилқум яйловларидаги ўтовларига қуёш панелларини ўрнатишмоқда. Бир пайтлари фақат шамчирокда ўтириладиган ўтовлар эндиликда электр чироғидан ёруғ, шинам бўлиб, бу чароғонлик чўпонларнинг қалбларига ҳам нурафшонлик олиб кирмоқда.

Конимехнинг чекка овулларига сафаримиз улкан таассуротларга бой бўлди. Туман марказидан 250 километр узоқликда жойлашган қозоқ, қорақалпоқ овулларига етиб бордик. Шундоқ юзларидан табассум уфуриб турган бу кишилар ўта самимий, меҳмондўст ва санъатсевар экан. Овулдаги ҳар бир эркак киши ўз миллий чолгу асбобларини чалишни хуш кўрадиган, хушчақчақ инсонлар. Ўзлари ҳам санъаткорлар билан қўшиқлар киргойи қилишди, жўр овозликда аёлу эркакларнинг бир хил айтишлари, очиги, бизни лол қолдирди.

Аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик голяларини кучайтириш, миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида жонбозлик қилиб фаолият юритаётган Конимех туман ҳокими Руслан Рўзиевни сўхбатга қорлаймиз. Ҳамроҳимиз қуйидагиларни сўзлаб берди: жами аҳолиси 40 мингдан зиёд бўлиб, 14 та турли миллат ва элат вакиллари меҳр-оқибат, бағрикенглик, ўзаро тотувликда яшамоқда. Овуллару маҳаллаларимизда ўзбек, қозоқ миллатига мансуб, дили, тили ва ниятлари бир хил инсонларнинг

» Навоий вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини рақамларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Жумладан, ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 105,5 фоиз, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,3 фоиз, халқ истеъмолат моллари 106,9 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари 108,6 фоиз, чакана савдо 111,9 фоиз, жами хизматлар 114,7 фоизга ўсиши таъминланди. Шунингдек, 3 244 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Уларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (509 та), Қизилтепа тумани (462 та), Хатирчи тумани (389 та) ва Кармана (380 та) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича республиканинг 7,9 фоиз ва sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 16 фоизини ташкил этгани ҳолда, ҳар икки кўрсаткич бўйича ҳам учинчи ўринни эгаллаб турибди.

бир-бирига бўлган ширин муносабатини кўриб, кўнглингиз яйрайди.

Худудда экспорт салоҳияти ривожланмоқда. Мисол учун, бундан беш йил олдин биргина қорақўл териси экспорт қилинган бўлса, ҳозирда мев-сабзавотлар, гипс, қайта ишланган жун, трикотаж материаллари экспортга чиқарилмоқда.

Ёшларнинг ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи билан аталган вилоятда корхона, ташкилот ва муассасалардаги ходимларнинг маънавий-маърифий, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, улар орасида китобхонликни янада кенг тарғиб қилиш мақсадида “**Ҳар ҳафтада битта китоб мутлоа қиламиз**” интеллектуал китобхонлик танлови аънавий ташкил этилган. Китобхонлик танлови вилоятимиздаги барча туман ва шаҳарларда ҳар ҳафтанинг чоршанба, пайшанба ҳамда жума кунлари эълон қилинган битта китоб муҳокамасига бағишлаб тизимли равишда ўтказиб келинмоқда. Китоб мутлоаси, асарлар мазмун-моҳиятини англаш инсонни қилди, зукко, теран тафаккур соҳибига айлантириши, шубҳасиздир.

Бугунги ислохотларимизнинг тағзамини “**Инсон қадри учун**” деган устувор тамойилга таянади. Дарҳақиқат, жаҳон минбарларида илгари сурилаётган халқаро, минтақавий ва миллий ташаббуслар, буларнинг барчаси Янги Ўзбекистоннинг ислохотлар йўли тўғри танланганидан далолат беради. Зотан, “Маънавият карвони”нинг эзгу мақсади ҳам маърифатли жамиятни бунёд этишда беминнат зиё улашишидир...

Обиддин МАҲМУДОВ,
Республика маърифат тарғиботчилари аъзоси.

ODAMLAR ORASIDA



ҲАЁТ ЗАВҚИ

ЁҒСИН ЁМҒИР ТОНГГАЧА...

Жамоат транспортида юришнинг ўзгача гашти ва завқи бор. Ҳар куни ҳар хил одамларнинг сўхбатларига гувоҳ бўласиз. Кимлардир юз-кўзлари қувончдан порлаб, ўқишда ёки ишда эришаётган ютуқлари ҳақида гапирса, яна кимлардир қуюнчақлик билан қандайдир муаммоли дардини ҳамсўхбатига ҳикоя қилаётган бўлади. Ҳаёт мана шундай сўхбатларда қайнайди.

– Шаҳарликларга тушунмайман, нима эмиш, уч ҳафтадан буён кетма-кет ёмғир ёғаётганидан нолишади, – дейди йўловчи Қиличбек ака. – Менга қолса, қуз фаслининг охиригидан то қиш фасли чиққунча ёмғир ва қор ёғаверсин. Ёмғир, қор ёққани барака-ку. Сув бўлмаса, дастурхондаги ноз-неъматлар ҳам бўлмайди-ку. Ўзим устачилик қиламан. Аммо, эрта баҳордан фермерлардан лалимикор ердан бўлса ҳам ижарага ер олиб, деҳқончилик қиламан, тарвуз-қовун экман. Шу меҳнатим эвазига рўзгорим бут. Икки нафар фарзандимни пойтахтдаги университетда ўқитаялман. Фарзандларим ёзининг жазирама иссиғида ёки қишининг совуқ кунларида менга ўхшаб кетмон кўтариб юрмасин, дейман-да. Лекин кейинги 3-4 йилдан буён сув муаммоси анча билинган...

Йўл бўйи сув ҳақида гаплашдик. Юртдошларимиз сув муаммоси ўткирлашидиган хавотирга тушиб бораётгандек.

– Ўзи кейинги бекатга тушишим керак, аммо бир бекат олдин тушиб ёмғирда яна бироз пиеда сайр қилай. Бундай ёмғирли кунлар ганимат-да, – дея хайрлашди Қиличбек ака.

Қуз фаслининг сўнги кунларида ёғингарчилик яхши бўляпти. Қизиқ, Ўзбекистонга қанча ёмғир ёғди ўзи? Бу борадаги рақамлар қандай? Сув хўжалиги вазирлиги билан боғланиб, маълумот сўрадик.

– Бугунги кунда республикамизда сув ресурсларини бошқариш, сувларнинг ҳисоби, ҳисоботи ва балансини шакллантириш соҳасида ягона сиёсатни амалга оширувчи Сув хўжалиги вазирлиги ҳисобланади, – дейди **вазирлик бош мутахассиси Нодир Мадиев**. – 2022 йил 10 ноябрь ҳолатига республика сув омборларида жами 8,0 миллиард куб метр ёки ўтган йилга нисбатан 1 миллиард 347 миллион куб метр кўп сув захираси йиғилган. Ҳозирда республикамиздаги барча сув омборларига 1063,0 м3/сек (ўтган йилга нисбатан 536 м3/сек га кўп) сув киритилиб, 416,0 м3/сек (ўтган йилга нисбатан 171 м3/сек кам) сув чиқарилмоқда.



Кузатилган ёғингарчилик, сувга бўлган талабнинг камайиши ҳамда манбаларда сув миқдорининг кўпайиши натижасида сув омборларига қўшимча 2,3 миллиард куб метрдан ортиқ сув йиғилди. 2022-2023-йиллар кузги-қишки мавсум давомида (2022 йил 1 октябрдан 10 ноябргача) сўғориш ишларига жами 2 миллиард 958 миллион куб метр ёки лимитга нисбатан 97 фоиз сув етказиб берилди. Олинган сув билан бугунги кунгача 1 миллион 474 минг гектар экин майдонларида, шундан 1 миллион 31 минг гектар ғалла, 443 минг гектар томорқа ва бошқа экин майдонларида сўғориш ишлари амалга оширилди.

Республика бўйича сўғориш ишларига ўз вақтида ва етарли миқдорда сув етказиб бериш юзасидан чоралар кўрилган. Шунингдек, 2023 йил ҳосили учун экиладиган ғалла майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида республикадаги мавжуд сув омборларида сув захиралари яратилмоқда.

– Октябрнинг биринчи ярмида асосан қуруқ об-ҳаво бўлишига қарамай, умуман, ой давомида шимолий вилоятлардан ташқари, деярли ҳамма жойда ёғингарчилик ойлик меъёрдан деярли кўп бўлди, – дейди **«Ўзгидромет» матбуот котибни Муниса Асилходжаева**. – Худуднинг катта қисмида ойлик ёғингарчилик миқдори меъёрдан 2-3 марта, баъзи жойларда эса 3,5-4,5 марта кўп бўлди. Ҳозир ноябрь ойининг ўн кунни ўтди, аммо республиканинг кўпгина худудларида ёғингарчилик ойлик меъёрида

ёғди, баъзи жойларда эса меъёрдан кўп бўлди.

Октябрь ойида Тошкент шаҳрида ёғингарчилик ёмғир кўринишида 50 мм. ёғган бўлиб, ойлик меъёр эса 24 мм. (меъёрдан 213 фоиз). 1 ноябрдан 9 ноябргача 60 мм. ёғган бўлиб, ойлик меъёр эса 51 мм. (меъёрдан 117 фоиз). Тошкент шаҳрида ёмғир энг кўп ёғган кунларда бир кеча-кундузда 17 мм. дан 25 мм. гача бўлган.

Эътиборли жиҳати, ноябрь ойида бундай кучли ёмғир, айниқса, октябрь ойида мамлакатимизда камдан кам кузатиладиган ҳолатдир. 2014, 2015 ва 2018 йилларнинг октябры ва ноябры ойларида ёмғир кўп ёғган. Ушбу ойларда Тошкентда ойлик ёғингарчилик миқдори ойлик меъёрнинг 130 фоиздан 180 фоизгачани ташкил этган. 2015 йилнинг октябры ойида эса у меъёрнинг 257 фоизни ташкил қилган. Бир сўз билан айтганда, бу йилги куз фаслининг охиригача ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда.

– Бу йил 15 гектар ер майдонига кузги ғаллани вақтида экиб қўйганим яхши бўлди – дейди **Қашқадарь вилояти, Қўқдала туманидаги “Мадалиев Тўлқин Холбоевич” номли фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Мадалиев**. – Уч ҳафтадан буён ёғаётган ёмғир туфайли ғаллам жуда яхши ривожланиб, анча буй кўрсатиб, ям-яшил бўлиб қолди. Агар қиш ва баҳор фаслларида шундай ёғингарчилик бўлиб турса, жуда яхши ҳосил оламан. Фермер ва деҳқонлар яхши билишади, охириги 3-4 йилларда сув муаммоси бўлмоқда. Бугунги кунда ёғаётган ёмғир далаларимизга жон ато этмоқда. Ёзининг жазирама иссиқ кунлари эвазига ерларимиздаги намлик анча йўқолиб кетганди. Бу ёмғирлар кейинги йилда ердан жуда яхши ҳосил олишимизнинг кафолати ҳисобланади. Агар қиш ва баҳор фаслларида ҳам шундай ёғингарчиликлар бўлиб турса, биз етиштирган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини “эплаб бўлмай” қолади. Яхши ният яхши-да барибир. Аслида, фермер-деҳқонларга сув бўлса бўлди. Бошқа нарсаларнинг имконини ўзлари яратиб олишади...

Бугун дунёдаги сиёсий таҳлилкалани вазиятлар одамларни бир ташвишга солаётган бўлса, табиатдаги иқлим ўзгаришлари туфайли ер юзидаги қурғоқчилик кенгайиб бориши натижасида оқар ва ичимлик сувларининг тақчиллиги ортиб бораётгани яна бир жиддий муаммо ҳисобланади. Ёғсин ёмғир тонггача...

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ.

ЭЪЛОНЛАР

Офис, савдо маркази ва бошқа фаолият турлари учун ижарага 440 кв.м майдонга эга бино берилади. Бино янги замонавий таъмирдан чиққан. Тошкент шаҳри Лабзак кўчаси, 112-уй манзилида жойлашган.

Таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3.

Бинони ижарага олиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлардан 2022 йил 22 ноябрга қадар таклифлар қабул қилинади.

Маълумот учун телефон рақами: тел.: (71) 239-83-12

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия рамзи туширилган қалин муқовали А5 ҳажмдаги 400 дона блокнот тайёрлатиш ва харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлардан 2022 йил 30 ноябрга қадар тижорат таклифлари қабул қилинади.

Маълумот учун телефон рақами: тел.: (71) 239-83-12

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия рамзи туширилган 10 минг дона стол календари тайёрлатиш ва харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.







Тижорат таклифлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлардан 2022 йил 30 ноябрга қадар тижорат таклифлари қабул қилинади.

Маълумот учун телефон рақами: тел.: (71) 239-83-12

MUNDIAL

 Корақалпоғистон Республикаси Хоразм	 Бухоро Навоий	 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё	 Қашқадарё Сурхондарё	 Андижон Наманган Фарғона	 Тошкент шаҳри
---	---	---	--	--	---

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | info@uzbovozi.uz | www.uzbovozi.uz

ОЗ ҚОЛДИ



барча футбол ишқибозлари интиқлик билан кутмоқда. Мусобақанинг очилиш учрашувида Қатар ҳамда Эквадор терма жамоалари майдонга тушади. Баҳс 21 ноябрь куни Доха шаҳридаги Ал-Байт стадионида бўлиб ўтади. Турнир финали эса Қатар миллий байрами куни яъни, 18 декабрда шу шаҳардаги Лусаил стадионида ўтказилади. Гурӯҳ босқичидан ўрин олган баҳслар 21 ноябрдан 2 декабрга қадар бўлиб ўтиши режалаштирилган. Ҳар куни гурӯҳ босқичининг тўрттадан беллашувлари белгиланган. 3 декабрдан бошлаб гурӯҳдан чиққан 16 терма жамоа иштирокидаги нимчорак ўйинларига старт берилади ва бу босқичнинг сўнги баҳсларига 6 декабрь куни яқун ясалади. Чорак финал ўйинлари икки кунлик танаффусдан сўнг, 9 декабрь куни бошланади ва 10 декабрь куни якунланади. Ярим финал баҳслари 13-14 декабрь кунларига ўтказилади. Ярим финалда мағлуб бўлган жамоалар 17 декабрь куни 3-ўринга ким муносиб эканлигига ойдинлик киритишса, навбатдаги жаҳон чемпионларининг ким бўлишини 18 декабрь куни билиб оламиз.

Савол эса ўзгармаган: ким ғолиб бўлади?

Жамшидбек АМИРОВ.

Яна бир неча кундан сўнг футбол бўйича тўрт йилликнинг энг йирик мусобақасига старт берилади. Қатар мезбонлигида ўтадиган бу галги мундиалга жуда узоқ мuddат ва кучли тайёргарлик кўрилди. Сабаби, мезбонлик осонликча қўлга киритилгани йўқ.

Ҳар сафар ёз ойларида ўтадиган мусобақа бу гал кузнинг охири ва қишнинг биринчи ойига белгиланди. Ҳали дунёнинг жуда кўплаб давлатларида ички чемпионат энди қизгин паллага кириб бормоқда. Шу сабабдан ҳам Қатардаги чемпионат бетакрор ўтиши тахмин қилинмоқда.

Жаҳон чемпионати олдидан барча жамоалар ўз таркибларини эълон қилиб бўлишди. Айримлари турнирга етиб ҳам келишди. 32 та терма саккизта гурӯҳда баҳсларга киришади.

Маълумотларга кўра, Қатар стадионлар, йўллар, меҳмонхоналар ва бошқа биноларни ўз ичига олган инфратузилма лойиҳаларига 200 миллиард АҚШ доллари сарфлаган. Бу тарихдаги энг қиммат жаҳон чемпионати бўлади, шекилли.

ЕТТИТА СТАДИОН НОЛДАН

Турнирни ўтказиш учун танланган саккизта майдондан фақат биттаси тўлиқ таъмирланган, қолган еттита эса нолдан қурилган. Жаҳон чемпионати қишда бўлишига қарамай, кундузги ҳарорат жуда юқори бўлади. Қатар бунинг ечимини топган – кондиционерли стадионлар. Бир стадиондан иккинчисига бориш ниҳоятда қулай. Энг узоқ масофа 55 километрни ташкил этади. Бу масофа Дохадаги Ал Байт стадионидан Ал-Хордаги Ал Вакра ўйингоҳигача. Ал-Раян ва Талим шаҳри стадионлари орасида атиги 5 километрни ташкил этади.

Ал-Вакра ва Ал-Раян каби шаҳарлар бир-бирига жуда ҳам яқин.

Жаҳон чемпионати бошланганидан кейин Доха метроси муҳим вазифини бажаради, бир миллионга яқин одамга хизмат кўрсатиши тахмин қилинмоқда. Айни пайтда, Қатарнинг иккита энг чекка стадионлари Ал-Байт ва Ал-Вакра ҳам бир-биридан атиги 145 км узоқликда жойлашган.

БИР ЯРИМ МИЛЛИОН МУХЛИС

Мухлисларнинг сони рекорд даражада ўсиши мамлакат қишнинг марказида жойлашгани билан изоҳланмоқда. Қатар иштирокчи ва бошқа давлатлардан келувчи мухлислар учун қулай чорраҳадаги мамлакат. Бир ярим миллион мухлис келиши мумкин. Мамлакат аҳолиси эса уч миллионга яқин.

ТАҚВИМ ҚАНДАЙ?

28 кун давом этадиган чемпионатни



G20. ДУНЁ УЧУН ФОЙДАЛИ ИШ

Кеча Индонезияда жойлашган Бали оролларида G20 саммити бошланди. Россия – Украина уруши, АҚШ ва Хитой ўртасидаги зиддият, глобал инфляциянинг ўсиши ҳамда сайёрамизнинг қатор минтақаларида энергетика инқирози фониди дунёнинг йирик иқтисодиёти етакчилари йиғилиш ўтказмоқда.

Индонезия раислигида 15-16 ноябрь кунлари Нуса-Дуа шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган саммит «Бирга юксаламиз, кучлироқ бўламиз» шиори остида мамлакатлар етакчиларини бир хонага жамлади. Учрашув давомида солиқни сақлаш, барқарор энергияга ўтиш ва рақамли трансформация масалаларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

G20 йиллик йиғилишида одатга кўра, мамлакатларнинг биринчи шахслари ёки энг юқори даражадаги раҳбарлар ўз давлати номидан қатнашади. «Катта йигирматалик» гурӯҳидан қуйидаги давлатлар ўрин олган: Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Мексика, Аргентина, Ҳиндистон, Германия, Франция, Индонезия, Австралия, Туркия, Бразилия, Жанубий Корея, Жанубий Африка, Италия, Канада, Россия, Япония ва Саудия Арабистони. Шунингдек, Европа Иттифоқи ҳам ушбу гурӯҳ таркибига қиради.

Бирок G20 саммитида қатнашмайдиган ягона етакчи Россия Президенти Владимир Путин экани тасдиқланди. Бўш қолган Президент ўринидини Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров эгаллади.

Буюк Британия ва Италиянинг янги Бош вазирлари илк маротаба «катталар» даврасидаги муҳокамаларда қатнашади. Шунингдек, Бразилиядаги сайловларда ғалаба қозонган Луис Инасио Лула да Силва ҳам саммитда иштирок этди ҳамда ўз мамлакат позициясини билдирди.

Саммит кун тартибидидаги энг муҳим мавзулардан бири Украина ва Россия ўртасидаги уруш масаласи бўлди. Бундан ташқари, уруш бошлангачи билан оқибатлари янада чуқурлашиб бораётган энергия инқирози, таъминот тақчиллиги ва инфляция билан боғлиқ муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилмоқда.

Асосан Европада энергия нархининг ошиши фониди кўплай давлатлар энергия инқирозининг ўз аҳолисига таъсирини камайитириш мақсадида турли қадамлар ташламоқда.

Масалан, Туркия, Россия, Украина ва БМТ ўртасида Истанбулда имзоланган Украина портларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг хавфсиз етказиб берилишини таъминловчи келишув саммитнинг кун тартибидидаги муҳим мавзулардан бири сифатида кўрилди.

Саммит доирасида Қўшма Штатлар ва Хитой етакчилари музокаралар олиб борди. Раҳбарлар бир қатор минтақавий ва глобал муаммоларни, жумладан, Тайвань масаласини муҳокама қилди.

Саммит очилишида Индонезия президенти Жоко Видодо мамлакатлар келишмовчиликларни четга суриб, дунё учун аниқ ва фойдали иш қилиш зарурлиги ҳақида гапирди. Шунингдек, мезбон Украинадаги можаро ҳақида тўғридан-тўғри тилга олмай «урушни тугатиш»га чакиргани айтилмоқда. Таъкидлангандек, уруш тугамас экан, ер юзида олдинга силжиш, ривожланиш бўлмайди.

Халқаро гуманитар ва сиёсий тадқиқотлар институти эксперти Владимир Брутер таъкидладики, иштирокчилар саммитнинг асосий масалаларига, биринчи навбатда, иқтисодий масалаларга эътибор қарата олмади. Сиёсий мунозараларга нисбатан тарафқашлик яққол кўриниб тургани ва у саммит очилишидан олдин бошлангани ҳам ҳақиқат.

G20 саммитида Хитой раҳбари Си Цзиньпин баёнот берди. Аввало, мафкуравий бўлиниш ва блоклар қарама-қаршилиги жаҳон тараққиётига пўтур етказиши мумкинлигига ишонч билдирди. Жаҳон иқтисодиёти рецессия таҳдидига дуч келиши оқибатида биринчи навбатда ривожланаётган давлатлар зарбага учраётганини таъкидлади. Қайд этилдики, коронавирус пандемиясига қарши курашда халқаро ҳамкорлики чуқурлаштириш ва иқтисодиётни тиклаш учун шарт-шароитлар яратиш зарур. Дунё озиқ-овқат ва энергиянинг сиёсийлашуви ҳамда қуролли тус олишига қарши туриши керак. Умуман, ҳар бир соҳада ҳамкорлик, бир ёқлама санкцияларни бекор қилиш ҳамда илмий-техникавий масалаларни чуқурлаштириш бўйича тақлифларни илгари сурди.

«Катта йигирматалик»ка кирувчи ҳар бир мамлакат раҳбари озиқ-овқат, энергетика, ядровий хавфсизлик билан боғлиқ масалага тўхталиб ўтмоқда. Улар орасида G20 озиқ-овқат ва энергия борасида муаммолари бўлган қашшоқ мамлакатларга ёрдам бериши керак, деб ҳисоблайдиганлари ҳам бор.

Умуман, G20 ҳар йили ўтказиб келаётган аънавий саммит бу гал ўзгача воқеликлар, таассуротлар билан тарихга муҳрланмоқда. Илк маротаба Россия етакчиси йиғилишда қатнашмаётгани кўпчиликини ҳайратга солмагани аниқ. Аммо 17-бор ўтказилаётган саммитдаги иштирокчи давлатлар вакиллари биргаликда суратга тушишдан ҳам бош тортгани айтилмоқда.

Маълумот ўрнида, G20 йирик иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни бирлаштирган норасмий ташкилот бўлиб, Балидаги саммит ҳисоб бўйича ўн еттинчиси. Бу Индонезия раислигида йил давомида бўлиб ўтган вазирлар, ишчи гурӯҳлар ва ўзаро ҳамкор гурӯҳларнинг бир қатор учрашувлари якуни бўлади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

"А" гуруҳи	
20.11. 21:00	Қатар - : - Эквадор
21.11. 21:00	Сенегал - : - Нидерландия
25.11. 18:00	Қатар - : - Сенегал
25.11. 21:00	Нидерландия - : - Эквадор
29.11. 20:00	Нидерландия - : - Қатар
29.11. 20:00	Эквадор - : - Сенегал

"В" гуруҳи	
21.11. 18:00	Англия - : - Эрон
22.11. 00:00	АҚШ - : - Уэльс
25.11. 15:00	Уэльс - : - Эрон
26.11. 00:00	Англия - : - АҚШ
30.11. 00:00	Уэльс - : - Англия
30.11. 00:00	Эрон - : - АҚШ

"С" гуруҳи	
22.11. 15:00	Аргентина - : - Саудия Арабистони
22.11. 21:00	Мексика - : - Польша
26.11. 18:00	Польша - : - Саудия Арабистони
27.11. 00:00	Аргентина - : - Мексика
01.12. 00:00	Польша - : - Аргентина
01.12. 00:00	Саудия Арабистони - : - Мексика

"Д" гуруҳи	
22.11. 18:00	Дания - : - Тунис
23.11. 00:00	Франция - : - Австралия
26.11. 15:00	Тунис - : - Австралия
26.11. 21:00	Франция - : - Дания
30.11. 20:00	Тунис - : - Франция
30.11. 20:00	Австралия - : - Дания

"Е" гуруҳи	
23.11. 18:00	Германия - : - Япония
23.11. 21:00	Испания - : - Коста-Рика
27.11. 15:00	Япония - : - Коста-Рика
28.11. 00:00	Испания - : - Германия
02.12. 00:00	Япония - : - Испания
02.12. 00:00	Коста-Рика - : - Германия

"Ф" гуруҳи	
23.11. 15:00	Марокаш - : - Хорватия
24.11. 00:00	Бельгия - : - Канада
27.11. 18:00	Бельгия - : - Марокаш
27.11. 21:00	Хорватия - : - Канада
01.12. 20:00	Хорватия - : - Бельгия
01.12. 20:00	Канада - : - Марокаш

"Г" гуруҳи	
24.11. 15:00	Швейцария - : - Камерун
25.11. 00:00	Бразилия - : - Сербия
28.11. 15:00	Камерун - : - Сербия
28.11. 21:00	Бразилия - : - Швейцария
03.12. 00:00	Камерун - : - Бразилия
03.12. 00:00	Сербия - : - Швейцария

"Н" гуруҳи	
24.11. 18:00	Уругвай - : - Жанубий Корея
24.11. 21:00	Португалия - : - Гана
28.11. 18:00	Жанубий Корея - : - Гана
29.11. 00:00	Португалия - : - Уругвай
02.12. 20:00	Жанубий Корея - : - Португалия
02.12. 20:00	Гана - : - Уругвай

1/8 финал			
03.12. 20:00	1А - : - 2В	04.12. 00:00	1С - : - 2Д
04.12. 20:00	1Д - : - 2С	04.12. 00:00	1В - : - 2А
05.12. 20:00	1Е - : - 2F	06.12. 00:00	1Г - : - 2Н
06.12. 20:00	1F - : - 2Е	07.12. 00:00	1Н - : - 2Г

1/4 финал			
09.12. 20:00	F 53 - : - F 54	10.12. 00:00	F 49 - : - F 50
10.12. 20:00	F 55 - : - F 56	11.12. 00:00	F 51 - : - F 52

1/2 финал			
14.12. 00:00	F 57 - : - F 58	15.12. 00:00	F 59 - : - F 60

3-ўрин учун	
17.12. 20:00	M 61 - : - M 62

ФИНАЛ	
18.12. 20:00	F 61 - : - F 62

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV	Muslihiddin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV	Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA	Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV	Toshtemir XUDOYQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA	

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «А»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, А-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2022-yil 11-noyabrda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 1141. 1850 nusxada bosildi.	O'zА yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220.	Topshirilgan vaqti — 23:40
t — Tijorat materiallari	1 2 3 4 5 6
	Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.